O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, ова юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 5 январь, чоршанба • № 1 (11.188) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш, меҳнатни рағбатлантириш ва даромадларни легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача туширилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларидан солиқ иловага мувофиқ ставкалар бўйича ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 31 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига илова

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоригача	Даромад суммасининг 15 фоизи
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача	Уч карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг оз иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача	Беш карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг беш карра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз
Энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори	Ўн карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз

Янги йил дастурхонига

Мана, сиз оила аъзоларингиз, яқинларингиз билан янги йилнинг тўкин дастурхони атрофидасиз. Ўтган умрингизни яна бир йилини сарҳисоб қилиб, шукроналар айтиб, ноз-неъматлардан тановул қилиб ўтирибсиз. Ана шундай дамларда «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси боғбонларига ҳам миннатдорчилик билдириб қўйишни унутманг. Дастурхонингизнинг безалишида шу бирлашманинг пудратчи боғбонлари хизмати каттадир. Улардан бири Зикрилло Қўчқоров. У умр йўлдоши Васила ва фарзандлари билан ҳар йили тонна-тонна ноз-неъмат етказиб беряпти. Янги йил дастурхонига ҳам улар кўп миқдорда лимон, мандарин, апелсин сингари тансиқ меваларни тортиқ қилдилар.

СУРАТДА: пудратчи боғбон Аҳмаджон Кўчқоров. Бригада бошлиғи Зикрилло Қўчқоров меваларнинг мўл бўлганлигидан мамнун. Зотан булар элнинг ризқ-рўзи-да!..

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

ТОШКЕНТ вилояти Тошкент туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг пойтахт вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлди. Унда сиёсий партиялар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси У. Муслимов очди. Ишончли вакил — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Нотиқ А. Жалоловнинг йирик олим ва жамоат арбоби сифатида фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганини таъкидлади. Кейинги йилларда у раҳбарлик қилаётган партия сафи ўсиб, сиёсий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Абдулҳафиз Жалолов учрашувда нутқ сўзлаб, мамлакатимизда Президент сайлови муқобиллик асосида ташкил этилаётгани демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилаётганининг ёрқин далили эканини қайд этди. Демократиянинг жамият тараққиёти ва эл равнақи йўлидаги беқиёс аҳамиятига тўхталди. Йиғилганларни ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан таништирар экан, ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунларга содиқ эканини, уларнинг изчил амалга оширилиши, сайлов натижалари қандай бўлишидан қатъий назар, мамлакат фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликлари янада тўлароқ рўёбга чиқиши йўлида собитқадамлик билан фаолият кўрсатишини таъкидлади.

Сайловчилар номидан сўз олган Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар Кенгаши биринчи котиби Р. Хусанов, Қибрай тумани «Лимончилик» хўжалиги раиси ўринбосари Ш. Мирзахмедова, Бўстонлиқ тумани «Бўстонлиқ овози» газетаси муҳаррири О. Усмонов, Зангиота тумани «Маънавият ва маърифат» кенгаши котиби Х. Рустамова мустақил мамлакатимиз ўтган қисқа давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллагани, айни пайтда республикамизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётганини таъкидлаб, сайловчиларни бўлажак сайловда энг муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ИБОДАТНИНГ УЛУҒИ — САХОВАТ

ЮРТИМИЗДА Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Мурувват ўн кунлиги» давом этмоқда. Муборак Рамазон ойининг учинчи даҳасига тўғри келаётган бу кунларда эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, беморлар, етим-есирлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатилмоқда, хайру эҳсонлар қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Фозил Қори Собиров ана шу тадбирнинг моҳияти хусусида сўзлаб берди.

— «Мурувват ўн кунлиги»нинг улуғ айёмга — Қуръони Карим нозил бўлган Рамазон ойининг охирги даҳасига тўғри келаётганида олий бир рамз бор, — деди суҳбатимиз аввалида домла. — Пайғамбаримиз айтадиларки, Рамазоннинг охирги ўн кунлигида меҳр-мурувват, оқибат, яхшилик ва савоб ишларни кўпайтиринг, қадр кечасини қидиринг, Оллоҳ ҳар бир қилган яхши ишларингизни давомли этади. Қадр кечаси айни шу кунларга тўғри келади. Бу кечада қилинган ибодат минг ойлик ибодатдан савоблироқдир, — деган ҳикматда катта маъно бор.

Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаёти ҳам оят ва ҳадисларга жуда мос келиб турибди. Бировлар 2000 йил қандай келаркан, деб шубҳаланиб ўтирган пайтда юртбошимиз уни соғлом авлод йили, деб эълон қилди. Бунда эртанги кунимизга буюк бир ишонч бор, яхшилик қилишдан толманг, деган улуғ маъно зоҳир.

«Мурувват ўн кунлиги»нинг эълон этилиши ҳам шундай савобли ишлардан бири, балки энг улуғидир.

Президентимизнинг яхши ният билан бошлаган бу хайрли ишларида катта маъно ва ўзига хос тарих ҳам бор. «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган ҳикмат айнан йўлбошчимизга тегишли эканлигини эслайлик. У киши бу ҳикматни ўзларига шиор этиб олганлар ва ўзлари унга доимо амал қилиб келмоқдалар. Оллоҳ эса савобталаб бандасини севади. Пайғамбаримиз ҳам «Битта етимнинг қорнини тўйғазиб, бошини силаган одам билан мен жаннатда ана шундай биргаман», деб иккита бармоғларини бирлаштириб кўрсатганлар. Юртбошимиз ғарибларнинг бошини силашда, уларга ғамхўрлик кўрсатишда барчамизга намуна бўлаётир.

Яқинда Рамазон ҳайитини байрам қиламиз. Диний байрам бўлса ҳам, унда миллий ўзига хослигимиз кўринib туради. Ҳайит куни ҳар бир мўмин қариндош-уруғлари, дўстларини зиёрат қилади, бемор ва эҳтиёжмандларнинг ҳолидан хабар олади.

Ҳотами той бутпараст бўлган, лекин беқиёс саховилиги боис у кишига парвардигор жаннатдан жой ато қилган экан. Зеро, ибодатнинг улуғи саховатдир. Пайғамбаримиздан сўрабдилар, «Ё, Расулуллоҳ, ўқиган намозимиз, тутган рўзаларимиз, қиладиган бошқа ибодатларимизнинг қабул бўлиши нимага боғлиқ?». Пайғамбаримиз айтибдиларки, бир-бировингизга кўрсатадиган меҳр-оқибатга, мурувватга боғлиқ. Одамлар бир-бирига меҳр-мурувватли бўлмас экан, қилган ибодатлари маъносиз бўлиб қолаверади. Инсоннинг кўнглида меҳр-мурувват, саховат йўқ экан, унинг рўза тутишидан, ибодат қилишидан фойда йўқ. Ота-онага меҳри бўлмаса-да, намоз ўқиса, қўшни билан гаплашмаса-да, рўза тутсаю, имкони бўла туриб, етим-есирнинг бошини силамаса, унинг ибодатидан, рўзасидан нима маъно,

Мурувват одамларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнгилдаги раҳм-шафқатни кўпайтиради. Шу боис «Мурувват ўн кунлиги» шунчаки расмий тадбир, маросим эмас, балки кўнгил бойлигини намойиш этадиган имкониятдир. Бу ишнинг бошида Ислом Каримовнинг турганлиги эса янада қувончли.

ЎзА мухбири
Мусулмон НАМОЗ
ёзиб олди.

ОППОҚ ТОНГ ОРЗУЛАРИ

Мунаввар тонг отди.
2000 — «Соғлом авлод йили» деб аталган йилнинг биринчи тонги отди. Ташвишу хушёрлик, интилиш, мардлик билан 1999 йилни, тарих саҳифаларига кузатган халқимиз ушбу тонгни орзу-умидлар, янада нурли, яхши кунлар, муродбахш шабадалар илинжида қучоқ очиб кутиб олди.

Тонг отди.

Шу биргина сўзнинг ўзини таърифлаб, катта-катта ҳаяжонли қиссалар ёзиш мумкин. Шунда ҳам бу сўзнинг тугал моҳиятини тасвирлаб бериш мушкул бўлади.

«Нима бўлибди, тонг отса отибди-да», дегувчилар ҳам топилади. Лекин, одамдан одамни фарқи бўлгани каби, тонгларнинг ҳам тонглардан фарқи бор. Бу тонг янги XXI асримиз қопқосини илк бор қоққан тонгдир. Шу тонг билан озод Ватанимиз иккинчи аср билан юзлашмоқда. Бу тонг истиқлолимизнинг музаффар тўққизинчи йилининг тонгидир. Шу сабабдан ҳам 2000 йилимизни шон-шарафларга албатта буркаймиз.

Она-Ватаним, сен ўзингнинг чинакам тонгинг отганини тўққиз йил бурун кўрдинг! Истиқлолинг тонги ёришгандан сўнг юракларга бир шуур, ажиб бир ғурур қуйилиб келгандек бўлган эди.

Тонг отди. Бу тонгларнинг қадрига етмаган инсон зоти асло хотиржамлик тополмайди. Унинг оқшоми кўнгилли бўлмайди. Чунки тонг қандай хушбахт бўлса, оқшом шунчалар оромли бўлади.

Йил бошидаги ўйлар

Тонг отди. Ушбу тонгда энг тоза, покиза ниятларимизни дилимизга тугайлик, бир-биримизга тотувлик, дўстлик, меҳр-шафқат изҳор этайлик. Оламнинг тўрт устуни бўлса, унинг биттаси оқибат, меҳр-мурувватдир. Юрагида мурувват булоғи қайнамаган инсон инсон эмас. Муҳаббат чироғи ёниб турмас экан, у хонадон эмас. Бугун барча тилаклар ушаладиган кун. Шундай экан, бир-биримизни қутлайлик, бир-биримизни бағримизга босайлик. XXI асрга фақат ёруғ ниятлар билан, чеҳраларимизга меҳрла боқувчи ёниқ кўзлар билан кириб бориш тараддудини кўрайлик. Келгуси наслимизнинг соғлом авлод бўлиши йўлидаги фидойиликларимиз билан кириб борайлик.

Бугуннинг қадрини йиллар ўтиб билади одамзот. Учинчи минг йилликнинг бўсағасида турган инсон нимани ўйлайди? Албатта, ўтиб бораётган XX асрга бир қур назар ташлайди. Билмадим, танглайи тўс-тўполон билан кўтарилган эканми, аср бошиданоқ суронлар юз берди. 1917 йилги исён, фуқаролар уруши, иккинчи жаҳон уруши, Вьетнамдаги қонли жанглар, Кампучиядаги қирғинлар, Хитойдаги маданий инқилоб, Афғонистон урушининг бизнинг қалбимиздаги битмас жароҳатлари, Чеченистондаги воқеалар, Тожикистон фожиалари, зилзилалар, сув тошқинлар... Буларнинг барчаси кўз олдимизга келади-ю, дилимиз хунибийрон бўлиб, қонли ҳасратга тўлади. Шунда 1991 йил дилимиз яраларига малҳам тутади. Бу малҳамнинг номи мустақиллик.

Ушбу тонг озод Ўзбекистонимизни тинчлик, фаровонлик сари элтадиган муборак тонгларнинг энг биринчисидир. Оппоқ шукуҳли тонглар отаверсин. Биз эса, азиз ватандошлар, тонглар таронасини битаверайлик. Буюк ниятларимизни амалга ошириш учун мардона одим ташлайлик. Шундай тонгларга етказган тақдиримизга минг бора шукрона қилайлик. Ҳар бир тонг юртимиз тарихини безовчи буюк мусаввирга айлансин.

Учинчи минг йиллик
остонасида,
Энг олий ниятлар нур,
чироқ бўлсин.
Мангу бахт ёзилсин
пешонасига,
Юртим истиқлоли ярқироқ
бўлсин.

Кўрмайлик бурқсиган
фитналар дудин,
Урушу нифоқлар, ҳа, йироқ
бўлсин.
Олмасин ҳеч қачон
барака-қутин,
Ноз-неъматлар қайнар бир
булоқ бўлсин.

Душман битта бўлса доим
кўп эрур,
Мингта дўстинг борми, де:
кўпроқ бўлсин!
Учинчи минг йиллик
бағрида доим,
Ўзбеклар диёри, шу тупроқ
бўлсин.

Тонг отди. Шундай ошуфта тонглар отаверсин. Ҳар биримиз шу сўзлар билан янги асрни ҳам соғ-саломат кутиб олайлик. Ва тилайликки, оппоқ тонгларингдан ўргулай, эй, азиз юртим — Ўзбекистон!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ОСМОНИНГ ЁРИТСИН БАХТИНГ ПАРВОЗИ

Ҳар кундан инсоннинг уми ди улуғ,
Ҳар кундан ҳидоят кутиб яшайди.
Ўтар йил биз сенга қиламиз қутлуғ,
Янги йил лаб очган гулга ўхшайди.

Янги йил сен янги қўшиқ бўлиб кел,
Болам қувончига бешик бўлиб кел,
Тинчлик сабосига эшик бўлиб кел,
Хуш тилак азалдан нурга ўхшайди.

Бу дунё ҳар тонгда офтобда ёруғ,
Дил эса ҳикматли китобла ёруғ,
Остонанг сен қилган савобла ёруғ,
Дуо ол, у тоза нурга ўхшайди.

Битмаган юмушинг армон овози,
Янги қудрат берсин янги йил сози,
Осмонинг ёритсин бахтинг парвози,
Аё дўст, ҳар дилда булбул яшайди.

Янги йил биз борар нур бекат бўлсин,
Кўнглимиз қўшкида гул бекат бўлсин,
Она юрт, то абад ҳур бекат бўлсин,
Инсон-ку Ҳақ берган умрин яшайди,
Озод юртга боқиб олам яшнайди.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

◆ КУНИ кеча Чиноз туманида Хайр-эҳсон хайрия марафони ўтказилди. Туман Қизил Ярим Ой жамиятининг ҳисоб рақамига юзга яқин корхона ва ташкилотлар 250 минг сўм маблағ тушириди. Бунда «Олмазор-М» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Пахтакабел» заводларининг ҳиссалари айниқса, салмоқли бўлди.

◆ ЗАНГИОТА туман Автобуслар саройида янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим техник тадбирларни амалга оширишга киришилди. Саройда автобусларга юқори сифатли техник хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Ана шу мақсадда техника маркази очилди. Марказ «Кросса» автомобил заводи оталиғида ўз фаолиятини давом эттиради.

◆ «ТАРБИЯЧИ-99» республика кўрик-танловида болалар боғчаларининг энг тажрибали ва моҳир тарбиячилари фаол иштирок этдилар. Ангрен шаҳрида ташкил этилган моҳир тарбиячиларнинг бу ўзаро беллашуви энг яхши мураббийларни аниқлаш имконини берди. Янгийўл шаҳридан Муҳайё Шароббоева, Ангрен шаҳридан Нодира Набиева ва Ўртачирчиқ туманидан Дилбар Исоқова каби тарбиячилар вилоят танлови ғолиблари деб топилдилар.

◆ ЯНГИЙЎЛ. Шаҳардаги 12та маҳаллада маҳалла посбонлари раислари тайинланди. Ҳар бир раис ўз жамоаси аъзоларини йиғиб, уларнинг асосий вазифалари билан таништириб ўтди. Маҳалла посбонларининг кечаю кундуз олиб бораётган ишларидан барча хурсанд. «Маҳалла хотиржамлиги, тинчлиги юртимиз тинчлигининг асосидир. Шундай шарафли ишга ҳисса қўшаётганимиздан ҳурсандмиз», дейишмоқда посбонлар.

◆ «ЎТКИР» фирмасининг ташаббуси билан Янгийўл шаҳридаги марказий ўйингоҳда ва фирманинг чойхонасида икки арча қад ростлади. Бу ерда эрталабдан кечгача болажонларнинг шодон кулгулари янграмоқда. Шаҳар маданият саройи қошидаги ашула ва рақс дасталари иштирокида концертлар берилмоқда. Фирма директори Гулнора Маҳмудова болажонларни байрам билан қутлади. Уларга шу кунгача 2 мингдан зиёд совғалар тарқатилди.

◆ ПАРКЕНТ тумани электр алоқа тармоғи куни кеча «Гулбог» ширкат хўжалиги меҳнаткашларини ҳушнуд этди. Шу ном билан аталувчи қўрғонда 200 нафар абонентга хизмат кўрсатадиган телефон станцияси фойдаланишга топширилди. 12 маҳалланинг узогини яқин қилишга мўлжалланган бу қурилма ходимлари дастлаб меҳнат ва уруш ногиронлари, ёлгиз қариялар, пенсионерларнинг хонадонларига телефон тушириш тўғрисидаги аризаларини қондирмоқдалар.

◆ ВИЛОЯТИМИЗДА уй бекаларини ёрдамчи ишларга жалб этиш борасида Ўртачирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Ҳудуддаги қатор корхоналар ҳомийлигида вақтинча беиш аёлларга сурп матолари, турли газламалар етказиб берилмоқда. Улардан тикилган ўрин-кўрпа ашёлари, хусусан, чойшаб, ёстиқ жилдлари, шунингдек, халатлар пешма-пеш савдо шаҳобчаларига жўнатилмоқда.

2000 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Яқин тарихимизнинг унутилмас саҳифалари

ВАТАНГА, ХАЛҚҚА САДОҚАТ РАМЗИ

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олганига саккиз йилдан ошди. Саккиз йил тарих учун жуда қисқа давр. Лекин, ана шу саккиз йил ичида ўзбек халқи ўз ривожида катта ютуқларга эришиб, мустақилликнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий асосларини барпо этиб, тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Мустақиллик орқага қайтариш мумкин бўлмаган тарихий жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ҳам ортиб бормоқда. Биз танлаб олган йўлнинг тўғрилигига, мамлакатимиз келажаги буюк давлат эканига жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар ишонмоқдалар ва тан бермоқдалар. Булар Ўзбекистон давлати ҳозирги жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин олганини, бу эса инкор этиш асло мумкин бўлмаган тарихий ҳақиқат эканини кўрсатмоқда.

Мамлакат, жамият, фуқаролар ҳаётида шундай воқеалар бўладики, улар тарих саҳифларига, албатта киради. Яна бир неча кундан сўнг Ўзбекистонда Президент сайловлари бўлади. Шу жараён туфайли президентликка номзодлар билан жойларда сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Тошкент вилояти аҳли билан юз кўришди. Бу учрашувни ойнаижаҳон орқали кузатар эканман тарихимизнинг яқин ўтмишдаги кунлари кўз олдимда яққол гавдаланди. Ҳа, 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошлари мамлакатимиз солномасида ўзига хос ўрин тутади. Зотан, она-Ватанимиз ўша даврда нечанеча асрлар мобайнида орзу қилиб келинган буюк иноят — мустақилликка эришди. Бундай жараёнда халққа йўрик ва довюрак йўлбошчи лозим эди. Ислом Каримов ана шу вазифани шараф билан ўтади. Зеро, ўша қалтис кунларда кечагина амалда бўлган мустабид тузумга қарши чиқиш, юрак ютиб, матонат кўрсатиб ўз Ватани, ўз халқининг садоқат тимсолига айланиш осон иш эмас эди. Бундай жасорат чинакам фидойи инсоннигина қўлидан келиши мумкин эди.

Шахсан мен ўша воқеаларнинг кўпига гувоҳ бўлганман.

...Ўзбекларда «Ёв қочса ботир кўпаяди», деган ҳикматли мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, тарихда ҳар доим ютуқнинг отаси кўп, ютқазиқ эса — етим бўлган. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб боргани сари бу улуғ ишга мен ҳам катта ҳисса қўшганман, деган «қаҳрамон»ларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Афсуски, бундайларнинг ичида 1985-1991 йиллардаги оғир курашларда четда томошабин бўлиб турганлар ҳам, пана-панада писиб ётганлар ҳам, ҳатто, марказдан келган десантчиларнинг пинжига кириб олиб Ўзбекистонни, ўзбек халқини, миллий қадриятларимизни бадном этишда иштирок этганлар ҳам, тарихимизнинг мураккаб ва масъулиятли босқичларида хорижга қочиб кетиб, ўзини муҳолифат сифатида кўрсатиб юрганлар ҳам кам эмас. Улар қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан кўз юмиб, айрим камчиликларни бўрттириб, Ўзбекистондаги ички вазиятни кескинлаштириб Президентимиз И. Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллиги учун олиб борилган курашларга қўшган катта ҳиссасини сохталаштириб, халқимизни, она юртимизни жаҳон жамоатчилиги олдида яна бир бор бадном этишга интилмоқдалар.

Менинг фикримча, бизда том маънода муҳолифат бўлган эмас. Биздаги муҳолифат мансаб, амал учун курашнинг бир шакли бўлган, холос. Кеча ўзини муҳолифат вакилиман, деб юриб, бирор катта мансаб, амал берилса, эски эътиқодидан воз кечганларни, катта лавозимларда юрганида Ўзбекистон раҳбарияти олиб борган сиёсатни тўла мақуллаб, амалдан кетгач, ўзини муҳолифат, деб эълон қилганларни эътиқодли кишилар деб бўлмайди.

Албатта, 1985-1991 йиллар ичида Ўзбекистонда юз берган ижтимоий, сиёсий жараёнларга қайта қуриш йилларида шаклланган норасмий ташкилотларнинг таъсири ҳам бўлган. Гоҳ маданий мерос, гоҳ тил, гоҳ Орол муаммоси, гоҳо пахта яккаҳокимлиги, гоҳо ўзбек йигитларининг армия сафларида ҳалок бўлиши масалаларини ўртага қўйиб, ёшларни кўча митингларига чақириш, тўс-тўполонлар уюштириш, армия сафида ҳалок бўлган ёшларнинг тобутларини кўчама-кўча кўтариб юриш ҳоллари содир бўлди. Бундай ҳаракатлар ҳали анча қудратли бўлган совет давлати учун чивин чаққанидек бир гап эди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек улар уюштирган митингбозликлар, асоссиз тўс-тўполонлар йўли билан бирор бир жиддий масалани ҳал этиш амри маҳол эди.

Мен 1985-1991 йилларда Ўзбекистонда собиқ СССР пойтахти Москвада бўлиб ўтган жиддий ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларнинг гувоҳи сифатида Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш йўлидаги курашларга асосан Ислом Каримов етакчилик қилди, деб ҳисоблайман.

Бунинг учун менинг етарли далилларим бор.

Буни қарангки, Шароф Рашидовнинг вафотидан кейин Ўзбекистонга марказдан келган десантчилар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётимизнинг белгиловчи, тарихимиз, тилимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни баҳоловчи ягона ҳакамга айланди. Гдлян, Иванов сингарилар олиб борган шафқатсиз қатағончилик, марказнинг ашаддий шовинистик сиёсати натижасида туну-кун тер тўкиб ишлаб, усти юпун, қорни тўймаган меҳнаткаш ўзбекларнинг пешонасига «ўғрилар, қароқчилар, ишёқмаслар, текинхўрлар» деган тамғалар ёпиштирилди. Маҳаллий амалпараст, миллатфурушлар ҳам уларнинг тегирмонига сув қуйиб, халқимизни, унинг миллатпарвар, фидойи фарзандларини бадном этишда фаол иштирок этдилар, келгинди корчалонларга йўл-йўриқ кўрсатувчи маслаҳатчи бўлиб қолдилар. Ўша пайтдаги раҳбарлар ҳам ўз манфаати ва тинчлигини ўйлаб, марказ, унинг Ўзбекистондаги вакиллари берган топшириқларни кўр-кўрона бажаришдан нарига ўта олмадилар. Улар Ўзбекистонда йўл қўйилаётган барча бебошликларга, тарихимиз сохталаштирилиб, миллий қадр-қимматимиз оёқ-ости қилинишига томошабиндек қараб турдилар.

Ана шундай оғир бир шароитда Ўзбекистон республика ва халқ манфаатларини фидойиларча ҳимоя қиладиган, марказдаги раҳбарлар билан очиқ майдонда беллаша оладиган, республикадаги асосий лавозимларни эгаллаб олиб, айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолган десантчиларни тийиб қўядиган, мавжуд иқтисодий, сиёсий вазиятни, имкониятларни яхши биладиган ватанпарвар, миллатпарвар, темир иродали, чуқур билимли бир раҳбарга муҳтож бўлиб қолган эди.

Халқимиз, мамлакатимиз тарихидаги энг оғир, масъулиятли даврда майдонга чиққан ана шундай шахс — Ислом Каримов бўлди. У биринчи навбатда ҳалол инсон, моҳир ташкилотчи сифатида танилди. Республикани оёқости қилиб, кўплаб раҳбарларни жавобгарликка тортган Гдлян гуруҳи ҳам ўша оғир йилларда Давлат режа қўмитаси раиси, Молия вазири лавозимларида ишлаган И.Каримовнинг фаолиятидан бирор-бир нуқсон топа олмади. Бундан ташқари, у йирик иқтисодчи сифатида Ўзбекистондаги оғир вазиятни, унинг сабабларини ҳам тўла тасаввур эта оларди. Шунинг учун ҳам И.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб тайинланиши халқимиз ва республикамиз манфаатларига тўла мос келадиган иш бўлди.

И.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб сайланган дастлабки кунларданоқ республикамизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. У собиқ СССР Олий Советида, СССР халқ депутатлари съездларида, партия съездлари ва марказий комитет пленумларида Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи, манфаатлари, пахта яккахокимлиги, пахтанинг нархи, Орол фожеаси, иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқлари, Ўзбекистонда 1984-1989 йилларда амалга оширилган қатағончиликларнинг сабаблари ва оқибатлари билан боғлиқ масалаларни дадил кўтариб чиқди.

Раҳбаримиз мазкур йиғинларда қатъий ирода ва талабчанлик билан нутқ сўзлаганида М.С.Горбачёв, А.И.Лукьянов, Е.К.Лигачев ва бошқалар ниҳоятда асабийлашиб ўтирганининг гувоҳи бўлганман.

И.Каримовнинг мустақилликка эришишимиз йўлида катта аҳамиятга эга бўлган дастлабки қадамларидан бири — марказдан келиб, Ўзбекистонда хоҳлаган ўзбошимчаликларни қилишга ўрганиб қолган десантчиларнинг танобини тортиб қўйиш бўлди.

80-йилларнинг охиридаги оғир, мураккаб шароитларда бундай ишларга қўл уриш учун катта жасорат, ирода, ғайратгина эмас, балки «темирдан ясалган» асаб ҳам керак эди. Марказдан келган десантчиларнинг атрофида шундай муҳит яратилдики, улар ўзлари хоҳлаган ишларни қила олмай қолдилар.

Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан ўтказган мустабид сиёсатининг фош этилиши, республика ва халқимизнинг манфаатлари очиқ, дадиллик билан ҳимоя қилиниши, миллий онг ўсиши мустамлакачиликнинг моҳиятини чуқурроқ англаб, мустақиллик учун курашнинг кенгайишига катта таъсир этган омиллардан бўлди.

Бу ўринда ўзбек тили ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш тажрибаси яққол мисол бўла олади. Маълумки, ўзбек тилининг республика ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётидаги мавқеини кўтариш масаласи 1988 йил партия марказий комитети қошида идеология комиссияси ташкил этилишидан кейин янада кучайди. Ўша йилларда мен десантчилар ва уларнинг миллатфуруш маҳаллий ҳомийларининг қаҳру-ғазабига учраб, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан анча четга суриб ташланган эдим. Партия марказий комитети пленумида идеология комиссияси ташкил этилганида С.Мамарасулов ва бошқалар мени ҳам шу комиссия таркибига киритишни қатъий талаб этишган. Комиссия ташкил этилгач, менга ўзбек тилининг республикамиз ҳаётидаги мавқеини кўтариш масаласини ўрганиб чиқувчи гуруҳга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Биз бу масалани ўрганиб, тил ҳақидаги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиққанимиздан кейин уни Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари А.П.Романовский, республика партия ташкилоти иккинчи котиби В.П.Анишев ва бошқалар тузатиб, «қиёмига етказишга» ҳаракат қилдилар. Бу ишларда уларга айрим маҳаллий олимлар ҳам ёрдам берганига имоним комил. Улар қонун лойиҳасини шундай таҳрир этдиларки, уни бутунлай таниб бўлмас эди. Бу қонун лойиҳаси 1989 йил июль ойида комиссия номидан матбуотда эълон қилинди.

И.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб сайланганидан кейин тил ҳақидаги қонун лойиҳасини яратиш учун янги имкониятлар юзага келди. Мен бу киши билан шу масала бўйича 1989-йил июль ойи бошларида учрашдим ва қонун лойиҳасини бутунлай янгидан ёзиш лозимлигини, матбуотда комиссия номидан эълон қилинган лойиҳа бутунлай нотўғри бўлганини айтдим. У менинг фикрларимни маъқуллаб, янги лойиҳа асосан ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан боғлиқ бўлиши лозим, деди. Унинг таклифи билан қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи янги гуруҳ тузилди. Унинг таркибига олимлар, давлат идораларининг вакилларидан ташқари норасмий ташкилотлар, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатларнинг вакиллари ҳам киритилди. Мен комиссияга бошлиқ этиб белгиландим.

Янги лойиҳани ишлаш комиссия аъзоларининг фаол иштирокида давом этди. Агар бирор масала юзасидан келиша олмай қолсак, дарҳол И.Каримовнинг олдига борар эдик. У бизга керакли маслаҳатларни берар, барча фикрлари эса фақат ва фақат ўзбек тилининг республикамиз ҳаётидаги мавқеини кўтариш билан боғлиқ бўларди. (Бу борада «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1999 йил 23 октябрь сонида чоп этилган мақоламда батафсил фикр юритган эдим).

Қонун қабул қилингандан кейин раҳбаримиз билан учрашганимизда у менга шундай деди: «Эркин ака, шошилмай туринг, бироз вазиятни тўғрилаб олайлик, кейин она тилимизни ривожлантириш, Ватанимиз тарихини холис ўрганиш, миллий анъана, урф-одатларимизни тарғиб этиш борасида яна кўп ишларни қиламиз».

И.Каримовнинг ватанпарварлиги, миллатпарварлиги Ш.Рашидовга нисбатан бўлган тухмат ва иғволарга муносабатида ҳам яққол кўринди. Чунки, у Ш.Рашидовни қоралаш ўзбек халқини бадном этишнинг йўлларидан бири эканини яхши англар эди.

Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сайланганидан қисқа вақт ўтар-ўтмас «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида шу мавзуга бағишланган катта бир мақола эълон қилинди. КПСС Марказий Комитети раҳбарлари Ўзбекистонга нисбатан олиб борилаётган сиёсат қолипларига сиғмайдиган бу мақоланинг босилиши умуман Ўзбекистонга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни очиқ фош этишнинг ташаббускори ҳам маълум эди. Бу ҳаракатлар замирида аста-секин Ўзбекистон мустақиллиги масаласини кун тартибга қўйиш билан бевосита боғлиқ мақсадлар ётар эди.

М.Горбачёв СССР президенти бўлиб сайланганидан бир кун кейин И.Каримов билан Москвада Кремль съездлар саройида учрашиб қолдик. Суҳбат давомида КПСС Марказий комитети сиёсий бюроси аъзоси бўлган одам менинг мустақиллик тўғрисидаги фикрларимга қандай муносабатда бўлар экан, деб бироз ҳижолатландим. И. Каримов менинг мулоҳазаларимни жуда хотиржам ўтириб эшитди. Бир неча дақиқа сукунатдан кейин мен кўтарган масала бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Шунда мен унинг совет тузуми, партия сиёсатидан норози эканини, Ўзбекистон мустақил бўлишининг тарафдори эканини аниқ англадим. Бу масалалар бўйича мендан кўпроқ ва теранроқ ўйлаб юрган экан. Унинг мустақиллик ҳақидаги мулоҳазалари мен ўйлагандан кўра чуқурроқ ва асослироқ эканлар. Орадан 15-20 кун ўтгач, республика Олий Совети кўпчилик овоз билан И. Каримовни Ўзбекистон Президенти этиб сайлади. Бу тадбирдан М. Горбачёв ҳам бехабар экан. У СССР Олий Совети сессиясида сўзга чиқиб, «ҳайронман, мамлакат биттаю, президенти иккита бўлиб қолди» деди.

Ўзбекистондан ибрат олган бошқа республикалар ҳам орадан кўп вақт ўтмай ўз президентларини сайлаб олдилар. Бу эса собиқ итиифоқчи республикаларнинг мустақилликка тадрижий эришиши йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлди. Янги президентлар республика манфаатлари билан боғлиқ бўлган кўплаб масалаларни марказ билан келишмай, мустақил ҳал этиш йўлига ўтиб олдилар.

Ўша йиллардаёқ собиқ СССРдаги кўплаб раҳбарлар, зиёлилар И. Каримовни темир иродали, мустаҳкам эътиқодли, миллатпарвар, ватанпарвар раҳбаргина эмас, балки, иқтисодий ҳаёт ва тараққиётнинг назарий, амалий муаммоларини мукаммал биладиган олим сифатида ҳам тан олдилар. Сессияларда, съездларда у нутқ сўзлаганида кўпчилик катта диққат ва эътибор билан эшитиб ўтирганининг гувоҳи бўлганман. У марказнинг республикаларда олиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини кескин далиллар билан танқид қилганида М. Горбачёв ҳам ҳеч эътироз билдира олмай, жим ўтириб эшитарди. Ўша йилларда республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги масаласини фақат И. Каримов илмий асосда изчиллик билан ҳимоя қила олди.

И. Каримов Ўзбекистондаги раҳбар кадрларни танлаш, миллат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган кишиларни масъул лавозимларга тайинлаш масаласида ҳам марказ кўрсатмаларини кутиб ўтирмай мустақил ҳаракат қилди. Бу ҳам Ўзбекистон мустақиллигига зарур муҳит яратилганининг бир белгиси эди.

Халқимизда сигирнинг оласи сиртида, одамнинг оласи ичида, деган сўз бор. Баъзилар мен мустақиллик тарафдориман, ватанпарварман, миллатпарварман, ҳалолман деб юргани билан уларнинг бу сўзлари қалбидаги эътиқодига қанчалик мос келиши фақат амалий фаолият жараёнида билинди. Кимнинг ким эканини ҳаёт синовлари исботлаб берди.

Шахсий манфаатлари доирасидан чиқолмай, мансабпарастлик, маҳаллийчилик гирдобига ўралиб қолган кишилар тарихнинг масъулиятли бурилиш даврларида миллий мустақиллик йўлида фидойиларча кураш олиб бораётган кишиларга панд бериши ҳеч гап эмас. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога, деганларидек ишончингга кириб олган одамнинг ҳиёнати инсон учун ҳар қандай душманнинг зарбасидан ҳам оғирроқ бўлади.

Шундай воқеалардан бири 1991инчи йилги август исёнидан кейин юз берди. Исён муносабати билан СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси чақирилди. Мен депутатлик этикаси комиссияси аъзоси бўлганим учун Москвага сессиядан уч кун олдин етиб бордим. Сессия очилишидан бир кун олдин бизга Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига қарши яна бир иғво уюштирилаётганини, бу ишга республикамиздан сайланган айрим депутатлар жалб этилганини айтишди. Ўша кезларда Гдлян ва бошқаларнинг иғволаридан эндигина қаддимизни тиклаб юрганимизда, Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига «исён тарафдори», деган янги бир сиёсий тамғани ёпиштирилишига асло йўл қўйиб бўлмас эди. Бунга ҳам Ислом Каримов амалий иш билан зарба берди...

Орадан бир неча кун ўтгач, ана шундай бир қалтис вазиятда Ўзбекистон Олий совети сессиясида республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу тасодифий иш бўлмай, олдиндан жуда эҳтиёткорлик билан кўрилган тадбирларнинг мантиқий интиҳоси эди.

Ўзбекистон раҳбари мустақилликни қўлга киритиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида ҳам жуда катта қийинчиликларга, иғвогарликларга дуч келди. Бу қийинчиликлар битта шахс, унинг асаблари учун ҳаддан ташқари оғир юк эди. Шу боис унинг темир иродаси ва сабр-бардошига тан бермай илож йўқ. Унинг мустақиллик ғоясига, Ватанимизнинг кенг имкониятлари ва келажагига, халқимизнинг кучи ва қудратига ишончи ғоят кучли бўлгани учун жиддий қийинчиликлар ва тўсиқларга дуч келганида ҳам у ҳеч орқага чекинмади, балки, янги куч ва ғайрат билан белгиланган мақсад сари интилаверди.

Тарихнинг ўта масъулиятли бурилиш даврларида раҳбар эътиқодининг мустаҳкамлиги, қийинчиликлар олдида орқага чекинмай, халқни собиқадамлик билан олға бошлаб бориш, зарурият тақозо этганида қатъий чора-тадбирлар кўриш тараққиёт учун катта аҳамиятга эга. Халқни, мамлакатни катта бухронлардан фақат темир иродали раҳбарларгина олиб чиқа оладилар.

Жамиятни бошқариш, элга раҳнамолик қилиш ҳеч қачон осон бўлган эмас. Лекин, жамият тараққиётидаги кескин бурилиш даврларида бу масала янада мушкуллашиб кетади. Чунки, мамлакат тараққиётини янги изга солиш, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий асосларини барпо этиш зарурияти туғилади. Бундай шароитда мамлакатда раҳбар бўлиш, халққа раҳнамолик қилиш имтиёз эмас, балки, ўта катта тарихий, ижтимоий, шахсий масъулиятдир.

Жамиятнинг биз ҳали тўла аниқлай олмаган ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ташкил этиш имкониятлари бор. Тарихий тараққиётнинг заруриятларини англаб, кун тартибига қўйилган долзарб вазифаларни ҳал этишга, етакчилик қилишга қодир бўлган шахсларгина ана шундай даврларда кураш саҳнасига чиқади. Улар ўз «мен»ини унутиб, элим, юртим деб куйиб, ёниб, фидойиларча ишлаб, эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмай, узоқни кўриб, ҳар бир муаммони ҳал этишда етти ўлчаб, бир кесиб, мақтовлар ва олқишлар таъсирида эсанкираб қолмай, тараққиётни янги поғоналарга олиб чиқа оладилар. Бундай кишилар учун асосий нарса мансаб эмас, балки, бурч ва виждон амридир, иймон-эътиқод билан белгиланган фидойиликдир.

Юртбошимизнинг элим деб, юртим деб куйиб, ёниб яшамоқ керак, биздан озод ва обод Ватан қолсин, деган сермазмун фикрлари бор. Булар бошқалар учун айтилган ўгитлар эмас, балки, ўзининг ҳаёти ва фаолиятига ҳам асос бўлган ғоя ва маслакдир. У ўзи тўғри деб топган йўлидан бораётганида қанчалик кўп қийинчиликларга учраса, кўзлаган мақсади сари шунчалик катта куч ва ғайрат билан олға интилаверди.

Мен И. Каримов билан 1989-1991 йиллар давомида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон фаоллари билан бўлган учрашувда, талабалар шаҳарчасидаги воқеалар даврида, Паркент воқеаларида, СССР халқ депутатлари съездларида бирга бўлдик. У ҳар қандай оғир вазиятларда, ҳатто, унга нисбатан бебошликлар, тухматлар, аҳлоқ, одоб чегарасига сиғмайдиган ҳатти-ҳаракатлар қилинганида, уюштирилганида ҳам ўзини муносиб тута билди, ҳатто, муҳолифлари билан ҳам одоб, аҳлоқ, адолат мезонлари доирасида муомала қилишга интилди. У эл, юрт осойишталигини кўзлаб, қанчадан-қанча оғирликларни ўз зиммасига олмади, дейсиз. Бу воқеалар ўтиб кетган бўлса ҳам инсон юрагида, асабида асорат қолдирмай иложи йўқ.

Ўш воқеаларига бир назар ташлайлик. Қонли тўқнашувларни бизга душманлар ташкил этганига ҳеч шубҳа йўқ эди. Бу масалани ҳам И. Каримов биринчи бўлиб англади. Шу сабабли ҳам қирғинлар кенгайиб кетмаслигининг олдини олишга ҳаракат қилди. Андижон билан Қирғизистон ўртасидаги чегарада тўпланган ўн минглаб оламоннинг қўшни республика ҳудудига ўтиб кетишига йўл бермади. Агар ҳиссиётлар ўтида ёниб ётган бешолти минг қуролсиз киши ўша куни Ўш томонга ўтиб кетса, улардан анчагина қисми ҳалок бўлиши турган гап эди. Бунинг натижасида эса қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида Москва ташкил этган жанжал юз йиллар ичида ҳам сўндириб бўлмайдиган адоватга айланиб кетиши аниқ эди. Бундай оғир вазиятларда ҳам йўлбошчи доноларча иш тутди.

Мен И. Каримовнинг миллат ва мамлакат манфаати йўлидаги фидойиликлари тўғрисида ўзим билган ва гувоҳи бўлган маълумотларнинг бир қисминигина келтирдим, холос.

Президентимиз мустақил тараққиётимизнинг стратегияси ва тактикаси, илмий-назарий асосларини яратди. Унинг асарлари кенг тафаккур салоҳиятига эга бўлган етук алломанинг мустақил фикрлари бўлиб, мазмун ва моҳияти жиҳатидан оламшумул аҳамиятга эга. Янги мустақил давлатлар раҳбарларининг бирортаси ҳам XX аср охири ва XXI аср бошидаги жамият тараққиёти муаммоларини И. Каримов сингари чуқур ва мукаммал ёритиб бера олмади. Шу сабабли ҳам унинг асарлари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда нашр этилмоқда.

Ютуқларимиз кўп, шу билан бирга камчиликлар, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин, бу қийинчиликларнинг барчасини мамлакат тараққиёти режаларини, бозор муносабатлари масалаларини ҳал этишда мамлакат раҳбарияти йўл қўйган хатолар оқибати деб бўлмайди. Гоҳида бундай муаммолар таҳлилида баъзиларимиз ҳиссиёт ва эҳтиросга таъсирида бўлиб, аниқ шароит ва имкониятларга тўғри баҳо бериш имконидан маҳрум бўлиб қоламиз. Ўзбекларда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деган нақл бор. Бир ўйлаб кўрайлик. Шўролар тузуми барбод бўлгандан кейин пайдо бўлган мустақил давлатларнинг қайси бирида аҳвол бизникидан яхши?!

Мен шогирдларим, дўстларимнинг таклифи билан Ўрта Осиёдаги қўшни мамлакатларда неча бор бўлдим. Уларда жуда катта иқтисодий қийинчиликлар бор. Қўшни давлатлардаги зиёлилар Ўзбекистондаги мўътадил вазиятга, И. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга ҳавас билан қарашади, жуда юқори баҳо беришади. Уларнинг бундай баҳоларини эшитиб ғурурланиб кетаман.

Мамлакатимиздаги тинчлик, ижтимоий тотувлик, осойишталик ютуқларимизнинг асосий гаровидир. Ҳаммамизнинг истиқболимиз мамлакатимиздаги вазиятга, унинг имкониятларига, улардан қай даражада фойдалана олишимизга боғлиқ. Жаҳонда Ўзбекистондан бошқа ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, манфаати, қадри-қимматини ҳимоя қила оладиган мамлакат йўқ, бўлмайди ҳам. Шу Ватан тинч бўлса — тинч бўламиз, бой бўлса — бой бўламиз, тез ривожланса, барча орзу-умидларимизга тезроқ эришамиз. Ватанимизнинг истиқболи бирлигимиз, аҳиллигимиз, ҳалол меҳнат қилишимиздадир.

Ҳозир ютуқларимизни, порлоқ истиқболимизни кўра олмайдиган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар турли йўллар билан мамлакатимиздаги вазиятни кескинлаштиришга, ёшларимизнинг онги ва эътиқодига таъсир этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ваҳҳобийлар, хизбут-таҳрир тарафдорларининг ҳаракатлари бунга бир мисол.

Ҳозир тарихий тараққиётнинг ўта масъулиятли даврида яшамоқдамиз. Бугун қилаётган ҳар бир ишимиз эртанги кунда яшайдиган авлодларимиз тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугун нимани эксак, эртага унинг ҳосилини оламиз. Эртанги кунимиз тақдири бугунги ёшларда ватанпарварлик, бурч ва масъулият туйғуси, иймон ва эътиқоди қандай ва қай даражада бўлишига боғлиқ. Ёшларнинг онги, эътиқоди учун курашиш — келажак учун курашишдир. Ёшлар Ўзбекистон мустақиллигини барпо этган кишилар, биринчи навбатда Президентимиз каби фидойи бўлишлари керак. Фидойилик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, иймон ва мустаҳкам эътиқодлиликни, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан иқболини ўйлаб, элим деб, юртим деб, куйиб-ёниб яшаш намуналарини баайни Ислом Каримовдан ўрганмоғимиз лозим.

Эркин ЮСУПОВ,
академик.

◆ *СОҒЛОМ авлоднинг тарбияси, бардам ва баққувват ўсиши биринчи навбатда оналаримизнинг, аёлларимизнинг зиммасидаги шарафли вазифа эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, Гиппократ қасамига содиқ бўлган шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Зангиота тумани марказий шифохонасининг шифокорлари келажагимиз давомчиси бўлган ёш авлодни соғломлаштириш борасида талайгина профилактик ва амалий ишларни амалга оширмоқдалар.*

СУРАТЛАРДА: *(чапдан ўнгга) ҳамшира Барно Собирова, доя Ойпошша Исмошлова, шифокор Жўрабек Исломбеков, бўлим бошлиғи Муяссар Эгамбердиева, ҳамшира Холида Азизовалар . Пастдаги суратда эса, ҳамширалар Зулфия Мусаева ва Фотима Эгамбердиевалар мурғак болакай атрофида парвона.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЙЎЛЛАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

БИЗНИНГ касбимиз шундай — доим қўлларимиз рулда, кўзларимиз йўлда. Вазифамиз эса йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш. Шу боис изланамиз, тер тўкамиз. Ишимиз савобли ва хайрли. Кўпчиликнинг хизматида бўлиш, оғирини енгил қилишни шундай деб таърифласак муболаға қилмаган бўламиз.

Кўпкишилик жамоамиз аъзолари бошқараётган турли русумдаги автобусларни, такси авомашиналарини вилоятимиздагина эмас, балки мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида ҳам учратиш мумкин. Биз ўттиздан ортиқ узоқ-яқин йўналишларда қатнаяпмиз. Хизмат маданиятини яхшилаш, мавжуд транспорт саройидан самарали фойдаланиш, ҳайдовчилар, таъмирловчилар ва бошқа касб эгаси бўлган транспортчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ютуқларимиз дурust бўлмоқда. Йил давомида 17 миллион атрофидаги йўловчиларни ўз манзилларига элтиб қўйдик. Бу билан белгиланган сармоя тушуми режасини деярли ўн фоиз ортиғи билан адо этишга эришдик. Жамоамиз ўтган йилдан мамнун, чунки, биз учун самарали бўлди.

Янги йилда эса янги, янада юқорироқ марраларни мўлжаллаяпмиз. Вилоятдаги барча касбдошларимизни қутлуғ айём билан қизғин табриклар эканман, уларнинг йўли доим бехатар бўлишини истайман.

Комил МАЪМУРОВ,
Бекободдаги автобус-таксомотор саройи ҳайдовчиси.

Фан-техника янгиликлари

АЛОҚА ЙЎЛДОШИ ЛОЙИҲАЛАНМОҚДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда «Ўзбек-космос» коинот тадқиқотлари давлат агентлиги ўртасида Ўзбекистоннинг миллий телеалоқа йўлдошини яратиш, учириш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини ўзаро ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олинди.

Ўзбекистоннинг ўз коинот станцияси негизида бирлашган телекоммуникация тармоғини кенгайтириш мақсадида йўлдош алоқасининг қўлланиши бу мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг сифатли хизматларини ривожлантириш томон қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Ташаббускорлар бошқарманинг ишчи гуруҳи таркибига таниқли мутахассисларни жалб этишган. Улар эса, қисқа муддатда зарурий ҳисоб-китобларни тайёрлаб, техник-иқтисодий асослар лойиҳаси учун техник топшириқни тасдиқлашга тақдим этадилар.

Шунингдек, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ҳамда йўлдошни яратиш ва учириш лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун кимни, қайси лойиҳа ташкилотини танлаш ҳақида таклифлар кўриб чиқиляпти.

Шундай қилиб, Ўзбекистон телеалоқа йўлдоши яқин келажакда Ер атрофи кенгликларида ўзининг доимий орбитасини эгаллаб, юртимиз тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади.

Дилмурод ҚОСИМОВ.

Маънавият ва маърифат

Акс-садо

КИТОБНИ офтобга қиёс этишлари бежиз эмас. Китоб дилларни уйғотиб мунаввар қилиш билан бирга ҳаёт, мавжудот сирларидан воқиф этувчи бебаҳо хазина. У кўнгилларга эзгулик уруғини сепиб, яшашдан сабоқ беради, қийинчиликларни енгиш йўлларини, оқ билан қорани, яхшилик билан ёмонликни ажратишга ўргатади, савобли ишлар сари бошлайди. Шу билан бирга китоб зеҳнларни пешлаб, билимлар конига эшик очади, маънавиятни бойитади. Инсоннинг жамиятдаги мавқеи, қадри-қиммати эса билимда, илмлар конини эгаллашда экан. Буюк мутафаккирларнинг ҳаёти,тажрибаси шунга гувоҳлик беради. Улуғ аллома Абдураҳмон Жомий «Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, Ҳамроҳинг бўлур у ғамли замонда» дея китобни беҳад улуғлаган экан...

КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ЖАҲОНДА

Мамлакатимиз ҳар ёқлама ривож топган, фаровон, баркамол мустақил жамият қуриш сари илдамлаб бораётган ҳозирги шароитда билимию дунёқараши, маълумотию қобилияти ўткир кадрларга талаб ошиб боряпти. Ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият бериляпти. «Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидоий фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир», дейдилар юртбошимиз Ислом Каримов.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб, фикр юритсак, фарзандларимизни камол топтиришда энг биринчи — бош восита китобхонлик эканлигига тан бермаслик мумкинмас. Бу иш болаларда китобга қизиқиш уйғотишдан бошланади. Ушбу асосий ролни устозлар бажарадилар. Болаларга яхши одатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам кичикликдан юқади. Болалар савиясининг ўсишида, шу жумладан китобхонликка берилишида, албатта, ўқитувчиларнинг шахсий ибратлари катта ўрин тутади. Шундай устозларни биламизки, улар «китоб фойдали, китобни кўпроқ ўқинглар!» деб, ортиқча ташвиқот юргизиб ўтиришмайди, бунинг ўрнига дарс соатларида ҳам, дарсдан ташқари вақтларда ҳам китобни қўлларидан қўйишмай мутолаа қилишади. Ўқиган китобларининг мазмуни-маъносини мароқли қилиб айтиб беришади-да, болаларда бунга ҳавас уйғотишади. Китобда ўқилганларни қуруқ ёдламасдан, унинг мағзини чақишга, мустақил муҳокама юрита олишга ўргатишади.

Афсуски, ҳаётимизда бунинг акси ҳоллари ҳам учраб туради. Китоб ўқиш фойдали, ундан кўп нарса ўрганиш мумкинлигини билганлари ҳолда китобни қўлларига олмайдиганлар бор — катталар орасида ҳам, кичиклар орасида ҳам. Улар китобни қадрламаслик, уни ўқимаслик оғир йўқотишларга олиб боришини билгилари келмайди. Китоб ўқиган-ўқимаган одамнинг ишида,ақл-ҳушида, ҳатто юриш-туришию муомаласида ҳам фарқ кўринади. Сиз улардан: «нима учун китоб ўқимайсиз?» деб сўранг, кўпинча «вақтим йўқ» деган жавобни оласиз. Қизиқарли яхши китоб йўқлиги ёки нархи баландлигини рўкач қиладиганлар бор. Бу баҳоналарни асосли деб айтолмаймиз. Китоб ўқишга вақт тополмаётган ёки китоб сотиб олишга пулни қизғанаётганлар кимлар? Булар кўпинча осон даромад кетидан қувиб чайқовчиликка берилганлар, қимматли ёшлик даврларини беҳуда дайдишларга сарфловчилар бўлиб чиқади. Катталар буларни кўриб турган бўлсалар-да, уларни тўғри йўлга солишмайди, ҳунук воқеаларга панжа орасидан қарашади. Қаердаки ёшларнинг юриш-туришларига шундай бепарволик қилинса, ўша ерда нохуш аҳлоқий бузилишлар, зарарли ҳодисаларга йўл очилади. Бунинг давлат тепасига келиши дабдабали равишда бўлган эди. Салкам саккиз йил вақт мобайнида Россияни жаҳон ҳамжамияти сафига киритиш, мамлакатда иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш, жамият турмуш тарзини барқарор этиш, коррупцияга, уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши кураш борасида катта саъй-ҳаракатлар кўрсатди.

Лекин, сўнгги йилларда унинг муҳолифлари анча кўпайиб кетди. Россия коммунистлари, «Яблоко», «Отечество — вся Россия» сингари партия ва харакатлар томонидан баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ танқидларга учради.

Кейинги йилларда унинг саломатлиги бир қадар ёмонлашди. Ўшанда ҳам «Ельцин ўз лавозимидан ана кетармиш, мана кетармиш» деган миш-мишлар кўпайди. Аммо, мустаҳкам иродага эга бўлган бу киши ўз лавозимининг муддатини ниҳоясигача етказишга уринди.

Б. Ельциннинг янги йил арафасида қабул қилган қарори жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. Чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам бу воқеа батафсил шарҳланди. Жумладан, Америкада чиқадиган «Таймс» ҳафтаномасида чоп этилган АҚШ президентининг мақоласида Б. Клинтон Б. Ельцинни «Россия демократиясининг отаси» деб атади.

Россия президенти истеъфога чиққач, президент ваколатларини бош вазир Владимир Путин қабул қилиб олди. Россия конституциясига мувофиқ президент муддатидан аввал лавозимидан кетса, уч ой ичида сайлов ўтказилиши керак. Янги президент сайлови тахминан 26 мартга белгиланди.

Китобдаги ёшларнинг юриш-туришларига шундай бепарволик қилинса, ўша ерда нохуш аҳлоқий бузилишлар, зарарли ҳодисаларга йўл очилади. Буни биз яқинда айрим ёш-ялангларнинг диний экстремистик бузғунчилар таъсирига тушиб, эгри-бўгри қилғуликлар, кўнгилсизликлар келтириб чиқарганида кўрдик. Бундай кўнгилсизликлар бошқа такрорланмаслиги учун хушёрлигимизни ошириб, беғамбепарволикка барҳам беришимиз керак!

Шу ўринда ота-оналарга қарата бир-икки оғиз сўз айтим келади. Сизларнинг орангизда ўз болажонининг эсли-ҳушли, баркамол одамлар бўлиб етишувини истамайдиганлар йўқ, албатта. Билдингизки, китоб болангизнинг ҳаётга қадам қўйишида йўлчи юлдуздай ўрин тутаркан. Шундай бўлгач, сизлар болаларингизнинг дарсдан ташқари вақтларини икир-чикир ишларга, бозор-ўчарга чалғитмасдан, дарс тайёрлаш, китоб ўқишларига шароит яратиб беришингиз лозим бўлади. Шу билан сиз болангизнинг ёрқин келажагига йўл очган бўласиз. Очиғи, арзимас нарсаларни сотиб олишга даста-даста акча сарфлагандан кўра, китоблар сотиб олсангиз, кўп савобли иш қилган бўласиз. Инсоннинг содиқ, вафодор шериги бўлган китобни севган одам ҳаётда энг тўғри йўлни танлаган бўлади.

Шуни ҳам унутмайликки, китобни ўқиш бор, уқиш бор. Болалар китоб ўқиганда, ундаги воқеаларни билиб олиш учун шунчаки ёдлашга одатланмасин, балки теран мулоҳаза юритиб, китобдаги фикрларни чуқур тушиниб, уқиб олишга ўргансин. Шундагина, мутолаа кўнгилдаги нафни етказади, ақл-заковатини бойитади. Ўз хонадонида шахсий кутубхона тузиб, ундан самарали фойдаланаётган айрим оилалар ҳам борки, улардан намуна олсангиз, ютқизмайсиз. Жамоатчилик диққатини мактаб кутубхоналарида ва уйларда йиғилишиб китоб ўқишга, китоб байрамларини бот-бот ўтказиб туришга жалб этиш айни муддаодир. Болалар учун яхши китоблар оз босилаётгани устига, матбуотда китоб тарғиботи ҳам сусайиб кетди. Мазкур ҳолларнинг бари кенг жамоатчиликдан, Ёзувчилар уюшмасидан, матбуотдан, болалар ёзувчиларидан ижодий ташаббусни кучайтиришни талаб этади.

Хуллас, китоб билан дўстликни қанча мустаҳкамласак, ҳаётимиз шунча маъноли, тўкис ва гўзал бўлади, жамиятга фойдамиз кўпроқ тегади.

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЁШЛАРДАН ЎЗГАН ДОНИШМАНД

Атоқли жуғрофиюн олим Маҳмуд ибн Вали Мовароуннаҳр халқининг қадимдан фан-маданият, маънавият жиҳатидан юксаклигини таъкидлаб, бундай ёзади: «Мовароуннаҳр аҳолиси камбағалпарвар, олиҳиммат, фозил, оқкўнгил, сабрли, очиқ чеҳрали ва жасур одамлардир... Мовароуннаҳр ҳозир ҳам рубъи маскунда ислом аҳкомларига риоя қилишда, тақводорликда, шариат ва тариқатда, покдомонликда буюк машойихлар ва уламоларнинг кўплиги жиҳатидан, мусулмонлар ҳақкини ҳимоя қилишда, билим ва истеъдодни эъзозлашда, мадрасалар, масжидлар, табаррук қадамжоларнинг мўллиги, толибул илм ва мактабхонларнинг кўплиги билан, соя-салқин боғлари, тоғлари ва дарёлари, адолатли подшоҳлари, тақводор ҳокимлари билан... бошқа мамлакатлардан устун туради».

Мовароуннаҳр мамлакатини, унинг азиз одамларини шу қадар меҳр билан тавсиф қилган аллома Маҳмуд ибн Валининг «Баҳрул-асрор» («Сирлар денгизи») асарини форс тилидан таржима қилиб, нашр этган атоқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов 75 ёшга тўлганига қарамай, худди ёшлардек серғайрат, сермаҳсул ижод қилмоқда.

Кейинги йилларда, атоқли олимнинг 30 босма табоқ ҳажмидаги «Тарихдан сабоқлар» илмий тўплами, 40 босма табоқли «Амир Темур» роман-хроникаси, «Ватан ҳақида ҳикоялар» тўплами, яна ката ҳажмдаги ўнга яқин илмий ва бадиий асарлари босилиб чиқди. Атоқли олим бу асарларида Ватанимиз тарихининг энг муҳим, ҳали яхши ўрганилмаган саҳифаларини ёритиб беради.

Бўрибой Аҳмедов «Тарихдан сабоқлар» китобининг биринчи бўлимида Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёритиш билан шуғулланган академик В.В. Бартольд, Альфред Арендс каби атоқли олимларнинг хизматларига юқори баҳо беради. Муаллиф шу тўпламдаги «Ибн Сино даври» асарида М. Наршахий, А. Жувайний, М. Табарий, А. Байҳақий, А. Саолибий ёзган жуда кўп асл манбаларга суяниб, ватанимиз тарихида ҳам, умумжаҳон тарихида ҳам муҳим бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётга доир муҳим воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил қилади.

Атоқли тарихчининг Амир Темур ва унинг авлодлари, Мовароуннаҳр ва Олтин Ўрда муносабатлари, айниқса, Улуғбек ва Абулхайрхон давридаги ўзбек давлатининг юксалишига доир илмий тадқиқотлари ғоят бебаҳодир.

Она-Ватанимиз тарихининг асл манбалари, жаҳон тарихшунослигининг ҳам қимматли дурдоналари ҳисобланган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» («Шарафномаи шоҳий»), «Темур тузуклари» (Алихон

Фидойиларимиз

Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси), Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» (Наим Норқулов билан биргаликда), Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро», Р.Г.де Клавихонинг «Амир Темур саройига, Самарқандга саёҳат», Г. Вамберининг «Мовароунаҳр ёҳуд Бухоро тарихи», юқорида айтилган Маҳмуд ибн Валининг «Баҳрул-асрор» асарларининг нашр этилиб, илм аҳли ва халқимизга тақдим этилишида Бўрибой Аҳмедовнинг хизматлари каттадир.

Улкан олим, айниқса, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида ёш йигитлардан ҳам тезроқ, фаолроқ ишлади, табаррук бобокалонимиз ҳаёти ва даврига доир кўплаб китоблар ёзди. Бу китоблар ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида босилиб чиқди. Бўрибой ака шу муносабат билан Франция сафарига борганида ҳам ЮНЕСКО саройида қилган теран илмий маърузалари билан хорижий илм-маданият аҳлини ҳурсанд қилди.

ЎзФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Бўрибой Аҳмедов раҳбарлигида тарих фанлари доктори бўлган истеъдодли шогирдлари Рустам Тиллабоев, Ориф Усмонов, Зокиржон Қуттибоев, фан номзоди Абдуқаюм Пардаев ва бошқалар устозларининг бу йил 75 ёшга тўлганига сира ишонмайдилар.

Қариликдир кетган ҳаёт нишони,
Аммо битмас дил орзуси, тилаги.
Дилда ғурур, орзу-армон кўп, лекин,
Тугаб бормоқдадир кунлар этаги...

Жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган буюк шифокор Ибн Синонинг бу байтларида инсон ҳаётида бир кун қарилик етиб келиши муқаррарлиги, аммо ўша вақтда ҳам инсон кўнглида орзу, армонлар тугамаслиги, ёшликнинг ёркин излари қолиши равшан тасвирланган.

Устоз Бўрибой Аҳмедов табаррук ёшида ҳам II Жаҳон урушида Ватан озодлиги учун жангларда қатнашган ёш йигитлик чоғларини эслаб, миллий истиқлол ғалабаларидан руҳланиб, иккинчи баҳорига қайтиб, илҳом билан жўшиб ишламоқда.

Маҳкам МАҲМУДОВ.

ОҚИБАТ БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ

Сизга қандай-у лекин мен кейинги пайтларда бир гапни тез-тез эшитадиган бўлиб қолдим: «Меҳр-оқибат йўқ бўлиб кетаяпти». Хўш, бунинг боиси нима? Ахир инсон дунёда меҳрга ва оқибатга зор бўлиб яшасаю бу буюк туйғу, инсоний хислат нахотки орамиздан кўтарилиб кетган бўлса...

Ҳаётга назар ташлайман. Ҳамма ўзи билан ўзи оворадек. Ҳар бир инсоннинг ҳаётига синчиклаб қарасангиз, турмуш ташвишлари улардаги меҳр-оқибатдан устунлашиб кетгандек туюлади.

Ички ишлар бўлимининг тезкор маълумотларини ўқирканмиз, қўшнилар «жанги», ака-ука, опа-сингил тўполонлари ҳам юқоридаги саволга «ҳа» деб жавоб беришга ундайди. Балки бозор муносабатлари одамларимизни бу туйғудан маҳрум қилиб қўймадимикан? Ё тарбия бўшашдими?

Хулоса қилишга шошилманг, азиз газетхон! Келинг, мен сизга шахсан ўзим иштирок этган ёки гувоҳи бўлган иккита воқеани гапириб берай.

Бир одамнинг уйи фалокат туфайли ёниб кетди. Ейишга ҳам, кийишга ҳам ҳеч нарсаси қолмади. Мана шундай оғир дақиқада бир қишлоқ одам оёққа турди. Абдураҳим ака деган маҳалла оқсоқоли бор. У кишининг, Оллоҳ умрини узоқ қилсин, худди ўзининг уйи ёниб кетгандек, ҳамма ишга бош бўлди. Кимдир пул, кимдир кийим-кечак, кимдир кучдан ёрдам бериб, оилани бир ойга етказмай бутлаб қўйишди.

Хўш, одамларни бир-бирига қўшган, бошига иш тушганда, ёрдам қўлини чўзганда восита бўлган нарса нима? ОҚИБАТ! Мен шундай тушунаман.

Энди тумандаги энг чекка қишлоқлардан бирида бўлган иккинчи воқеа хусусида. Бир оилада еттита бола ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилди. Бош бўладиган одам йўқ. Аксига олиб бу оиланинг яқин қариндошлари ҳам узоқда. Нима қилиш керак? Маҳалла каттакичиклари оиланинг ёш болаларини бўлиб-бўлиб ўзларига фарзанд қилиб олишди. Гап шундай бўлди: оиладаги катта ўғил уйлангунча болалар ўзга уйда тарбияланади. Ҳеч ким болаларни «детдом»га берайлик, демади. Орадан беш йил вақт ўтди. Катта ўғил 18 ёшга кирганда, қишлоқ яна бир кўтарилиб, уни шу оилага мос қизга уйлантириб қўйди. Келин она бўлди, қолган болалар ҳаммаси ҳовлига қайтди. Одамларни бундай ҳиммат ундаган нарса нима? ОҚИБАТ!

Демоқчиманки, меҳр ҳам, оқибат ҳам бор. У тирик, у бизнинг юрагимизда. Айтишлари мумкин: кексаларда-қу бор, ёшларда йўқ деб. Шу ёшлар сизлар билан бизнинг болаларимизми, келинг, керак бўлса, уларга меҳрни ҳам ўргатайлик, оқибатни тушунтирайлик. Ўнтадан ҳеч бўлмаса бештаси қулоғига олар... Мактабга касал бўлиб келмай қолган болани қўшнивчи ўзи бош бўлиб кўришга борсин, бола оқибатни кўради. Маҳаллада бошига иш тушган кимсага ёрдам қўлини чўзган ота балоғатга етган ўғлини етаклаб борсин, ҳашарга чиқарсин, кўнгил сўрашга ўргатсин, ишхонада бир-биримизга хушёр боқайлик. Кўзлари қизарган, қовоқлари солиқ ҳамкасбимизнинг ташвишини сезишга аввало вақт топайлик. Ахир, оқибат ҳамманинг юрагида туғилади, у бозорда сотилмайди!

Меҳр-оқибат бор, шу туфайли давлатимиз қудратли бўлиб бормоқда, шу туфайли мамлакатимиз дунёга танилмоқда.

Маҳаллаларда, қишлоқларда меҳр-оқибат туфайли ҳашаримиз йўқолгани йўқ, тобутимиз кўтарувчисиз қолгани йўқ, биров очликдан ўлгани йўқ. Оқибатни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам ўзимиз! Шундай эмасми, азизларим!

Мулоҳаза учун мавзу

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

УЗУН СОЧИНГДАН УЗМАСМАН КЎНГЛУМ

ЎЗБЕКИСТОН Давлат санъат музейида ишлаб юрган кезларим эди. Чет эллик меҳмонлар санъат намуналарини томоша қилиб юрган узун сочли қизларимизга ҳавас билан боқиб, суратга туширишгани-туширишган эди. Уларни ўрим сочлари белларига,тақимларига тушиб, ҳуснларига-ҳусн қўшарди.

Соч ҳам бахтли ёки бахтсиз қиларкан ўз эгасини. Бир воқеа ҳали ҳам эсимда. Маҳалламиздаги бир йигит, бир қизнинг сочига хуштор бўлиб, унга совчи қўяди. Розиликларига қараб, оқ ҳам ўралади. Нима бўлади-ю, висол онлари етиб келган арафада қизнинг ўртоқлари: «қишлоқи некультурнийларга ўхшаб нима қиласан, шу аҳволда келин бўлиб бормоқчисанми?» деб, қизни аёллар сартарошхонасига олиб боришади, узун сочларини кесишади. Бундан ҳабар топган йигитнинг жаҳли чиқиб, бўлаётган тўйни таққа тўхтатиб, орани очиқ қилади. Кўп ўтмай, бошқа бир сочи узун қизга уйланади...

Қадим замонлардан буён аёлларимиз сочга эътибор бериб келишган. Майда, йирик ўриб юришлари ўзига хос гўзаллик бахш этарди. Буни мусаввирларимиз томонидан ишланган турли хил тасвирлардан ҳам билиш мумкин. Турон давлати пайдо бўлганига 2700 йил, балки уч минг йил бўлган бўлса, шундан бери узун сочлилар бўлган, албатта. Ҳатто, туркий халқлар орасида «Сулув шаш»таърифидаги қизлар ҳам бўлиб, улар ҳақида достонлар ҳам ёзилган. Аёл сочи қанчадан-қанча эркак зотини ошиқу-беқарор қилганигача биламиз. Шоирлар ғазал битган, қўшиқ, шеърлар ёзган. Соч ўрими муболаға эмаски, ҳатто, қирқтага етгани рост. Санаб ҳам кўрсатганлар бўлган. Турмушга чиқишганда қизлар «овора бўлма энди» деган маънода иккита қилиб ўриб қўйишаркан. Бу «жуфти ҳалолим бор», деган маънони бераркан. Битта қилиб ўриб юрганлар ҳам бор. Бу «сўққабошман» деган маънони билдираркан. Сочларини ўрмай, тўзғитиб, ёйиб юрганларни ҳам ўтмишда учратиш мумкин эди. Бу жудолик, айрилиқ, мусибат борлиги экан. Бу кўринишларда шарқона, ўзбекона ҳаё, ибо, бошқаларни ҳурмат қилишдан, энг яхши удумларимиздан даракдир. Ҳеч қандай изоҳсиз ҳам одамлар бирбирларининг аҳволига тушинавершган.

Соч ўстиришнинг уч хил ҳолати бўлиб, аёлларнинг шахсий урф-одатларидан ҳикоя қиларди. Сочларини иккита қилиб ўриб юрган келинлар эса, сочни ўзидан иккита чаккаларига ярашиқли гажаклар ҳам қўйиб олишарди. Сочнинг ҳурмати шунчалик кучли бўлганки, уни учига пилик ва шамолда тўзиб кетмаслиги учун катта сўлкавой тангаларни ҳам тақиб юришган. Сочни ўстиролмаганлар, турли касалликка чалиниш оқибатида сочлари тўкилиб кетадиганлар улама сочлардан фойдаланишган. Махсус улама соч ясовчи момоларга топшириб, чиройли, ўз сочларидан фарқи йўқ икки ўрим, бир неча ўрим сочларга эга бўлишган. Соч ўстиришни қизчаларгача ҳавас қилишган. Улар ҳам сочларини ўрдиришади. Баҳор келганда эса, сочбаргаклар тақишади.

Сочни ўстириб, уни ўриб, миллий кўринишларда юришлар етмиш беш йил хукмронлик қилган шўровийлар замонида айб ҳисобланди. Бошқа миллат халқи, жумладан, Ўрупо маданиятини ҳурмат қилмасликка тиркаб қўйилди. Ҳар томонлама миллий маданиятга эътибор берилса ёмонми?

Ўзбек тасвирий санъати тарихига назар ташласак, ўзбек аёлларинингташқи кўринишлари бизда яшаган рус рассомларини ҳам мафтун этган. Михаил Курзин, Павел Беньков, Надежда Кашина, Зинаида Ковалевская, Зильберман, Рубин, Бурмакин,Талдикин ва бошқалар ҳавас билан, илҳом-ҳаяжонларга тўлиб, бир қанча рангтасвирлар яратишган. Надежда Кашинанинг «Доира чалаётган қиз», Павел Беньковнинг «Дуторли қиз», Зильберманинг «Сочини ўрган қиз», О.Татевосяннинг «Боғ кўчада» каби асарларида ўзбек аёлларининг ёқимли қиёфалари акс этган. Шарқ аёлларини шоирона тасвирлаган Чингиз Аҳмаров ижодида ўзбек аёли кимлиги тўла очиб берилган. Аёлларимиздан етишиб чиққан Шамсрўй Ҳасанова ижоди деярли аёллар қиёфаларини ташкил этади. Чингиз Аҳмаровнинг «Зулфия портрети», Ш. Ҳасановнинг «Нодирабегим», «Зебуннисо» портретларида ўта гўзал мафтункор, оқила аёлларимизни кўрамиз.

Миллий мусаввирларимиздан Малик Набиевнинг «Сароймулк хоним» портретида барча ўзбек аёлига хос ақл-заковат, ҳуснлатофат мужассам. Ўзбекистон халқ рассоми Зокир Иноғомовнинг «Урчуқда ип йигираётган қиз», «Чойга чақираётган аёл» асарларида эса ўша биз орзу қилган узун соч, миллийликка хос томонлар тўла очиб берилган.

Соч ҳам ҳусн. Шундай экан, ҳар бир йигит гўзал қизларимизга қарата доимо Отойи хазратнинг икки қатор шеърини айтишини истардим:

Узун сочингдан узмасман кўнглум,
Аёғинг қанда бўлса, бошим анда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Дилдаги гаплар

ВАФО ҚАДРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, оиланинг кўрки, тотувлиги, бекаму-кўстлиги аёлларимизнинг нозик қалбига, оналик саодатига, юксак ҳаёсига, қайноқ меҳру-муҳаббатига боғлиқдир. Шунданми, Оллоҳ аёлларимизга тоғдай юкни кўтариш қувватини ато этган. Иқтисодчиларимизнинг тадқиқотларига қараганда, аёлларнинг йил мобайнида 295 миллиард соат вақти уй ишларига сарфланар экан. Оилада фарзандларнинг қобилу мўминлиги ҳам асосан шу қалби пок онажонларимиз, опажонларимизга боғлиқ экан.

Эркакларчи, эркаклар? Улар нима билан банд? Кўпинча эшитиб қоламан: эркакнинг оиладаги ўрни фақат пул топиш ва яна пул топиш эмиш. Эркаклар мендан хафа бўлса-бўлсину, бу билан жуда ҳам катта хато қиладилар. Аёлларнинг ҳам ўз олами бор, уларга ҳамма нарсани юклаб қўйиш эркаклар учун уят, деб биламан. Ҳадиси шарифда бу ҳақда, мана, нималар дейилган: «Аёлларингизни қадрига етинг, уларни ҳурмат қилинг. Билинг, Тангри саҳийдир. Аёлларимизга саҳий бўлинг. Оллоҳ саҳийларни дўст тутади, аёллар қадрига етганларни ёқтиради». Бунинг маъносини чақиб кўриш ва амал қилиш биз эркакларга боғлиқ. «Хотинимнинг характерини тушунмайман, эрим мени тушунмайди» деган келишмовчиликларга асосий сабаб, эр хотинни, хотин эрни ҳурмат қила билмаслигида.

Эр киши хотинини сизлаб гапирса, айримлар ҳайрат билан қарашади. Керак бўлса, фарзандларимизни ҳам сизласак ортиқчалик қилмайди. Бу ҳам тарбиянинг энг нозик бир томони. Турмушни тўғри йўлга қўйишга чорлайди. Оилада севикли ёримиз бўлмиш аёлларимизга яхшироқ таъсир кўрсатиш учун, аввалambор уларни севайлик, ҳурмат қилайлик, бошимизга кўтарайлик, ширинсуҳанлигимизни ҳеч қачон дариғ тутмайлик. Бу — аслида вафодир, вафодорликдир. Шундагина бизнинг қадримизга вафоли аёлларимиз етади, қадрлайди. Аёллар вафони қадрлайди, вафодорларни қадрлайди.

Насриддин БОТИР.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ЯНГИ АСРНИНГ биринчи куни Венгрия халқи ўз давлатчилигининг 1000 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

● ОЛМОНИЯ бундестаги парламенти раиси Вольфганг Тирзе Оврупо Иттифоқи билан Туркия ўртасидаги алоқаларнинг янада яқинлашуви тарафдори эканлигини билдирди. Бу борада Оврупо Иттифоқи тўғри йўл тутмоқда, деди парламент раиси.

● ГРУЗИЯ парламенти раиси Зураб Жвания 2000 йилда мамлакатда бўладиган президент сайлови энг катта воқеага айланади, деди. Жорий йилнинг 9 апрелида Грузияда давлат бошлиғи сайланади.

● ХОРВАТИЯДА парламент сайловлари ўтказилди. Мухолифатдаги олти партия уюшмаси ғалаба қозонди. Ҳукмрон ХДП мағлубиятга учради.

● ТАИЛАНД пойтахти Бангкокда турли миллатга мансуб 4 минг нафар келин-куёвлар 2000 йил кириб келиши муносабати билан оммавий равишда никоҳдан ўтдилар.

● БУЮК Британия ҳукумати Франция энергетика таъминоти тизимини тиклашда ёрдам бериш учун ўз экспертлари гуруҳини мазкур мамлакатга юборди.

● ЛУБНОН пойтахти Байрутда Россия элчихонаси дафъатан террорчилар томонидан ўққа тутилди. Гранатамётлардан берилган зарба натижасида маҳаллий полициячилардан бир нафари ҳалок бўлди, икки нафари жароҳатланди.

КЕЛИШИ ДАБДАБАЛИ, КЕТИШИ СОКИН

РОССИЯ президенти Борис Николаевич Ельцин янги йил арафасида Россия халқига телевидение орқали баёнот бериб, муддатидан олдин истеъфога чиқаётганлигини эълон қилди. У фуқароларга мурожаат этиб, «Бугун мен сизларни сўнгги бор янги йил билан қутламоқдаман. Лекин, бу ҳаммаси эмас. Бугун Россия президенти сифатида ҳам сизларга сўнгги бор мурожаат этмоқдаман. Мен шундай қарорга келдим. Уни қабул қилишдан аввал анча узоқ ўйландим. Бугун, тугаётган асрнинг сўнгги кунида мен истеъфога чиқяпман», деди.

... Б. Ельцин 90-йиллар бошида сиёсат майдонига чиқиб, катта муваффақиятга эришди. Натижада, у янги Россия тарихида биринчи президент этиб сайланди.

ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

● ЯНГИ йил Франция пойтахтининг Елисей майдонида ўзгача бир тарзда нишонланди. Бу ерда ҳар бирининг диаметри 25 метр келадиган 11та баҳайбат ғилдираклар ўрнатилди. Янги йилга ўтар кечаси улар айлана бошладилар. 11 ғилдирак ҳар бирининг ўзигагина хос мусиқа оҳанги борлиги, нур мажмуаси ўйинлари ва мушакбозлиги йиғилганларни ҳайратга солди.

● ОЛМОНИЯНИНГ Дрезден шаҳрида истиқомат қиладиган 80 нафар қандолатчи янги йилга ажойиб совға тайёрладилар. Улар пиширган тортнинг узунлиги 5,7 метр, кенглиги 1,7 метрга етди. Оғирлиги эса 3860 килограмм тош босди.

● НЬЮ-ЙОРК маъмурлари янги йилни тинч-осойишта ўтказиш учун тартиб-интизомни сақлаш тадбирларига 8 минг нафар полициячиларни жалб этдилар.

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛСИН

КУНИ КЕЧА, аввал хабар қилинганидек, АҚШ пойтахти — Вашингтонда Исроил ва Сурия вакиллари ўртасида икки мамлакат ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича музокаралар бошланди. Унинг меҳвари — 1965 йилда босиб олинган Жўлан тепаликларини Сурияга қайтариб бериш муаммоси бўлади. Бу борада аввалари ҳам Исроилнинг айрим арбоблари ижобий ҳатти-ҳаракатлар қилган эдилар. Хусусан, марҳум бош вазир Ицхак Рабин хизматларини кенг жамоатчилик ҳамон унутганича йўқ. Бироқ, бундай музокаралар 1995 йилда тўхтаб қолган эди. АҚШ президенти Б. Клинтон шафелигида ўтказилаётган мулоқотларга жаҳон афкор оммаси катта умид боғламоқда. Оммавий ахборот воситалари шарҳчилари ҳам бу учрашувнинг охири бахайр бўлишига ишонмоқдалар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДАТАЙЁРЛАНДИ).

Ойбек таваллудининг 95 йиллигига

ЭЛНИНГ МАНГУ АРДОҒИ

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзбек адабиёти равнақига ўзининг ажойиб асарлари билан баракали ҳисса қўшган ҳассос сўз санъаткоридир. У умр бўйи халқ ҳаёти билан ҳамнафас яшаб, ижодий маҳоратини эл-юрт манфаати йўлида сарфлади.

Ойбекнинг бадиий баркамол, мазмундор, жўшқин шеърлари, поэмалари, халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги кунини ойнадек акс эттирувчи қисса ва романлари минг-минглаб китобхонлар қалбига поклик, гўзаллик, қаҳрамонлик, олижаноблик, соф муҳаббат, вафодорлик, тотувлик, тинчлик, дўстлик каби эзгулик нурларини сочиб турибди.

Ойбек 1905 йилнинг 10 январида Тошкентда бўзчи-ҳунарманд оиласида туғилди. У болалигида илмга, яхшиликка, ёруғликка, нур ва зиёга ихлос қўйди. 20-йилларнинг қурашчан, зиддиятли дамларида тобланиб, ўзининг келгусидаги порлоқ йўлини топа олган ёш шоир «Давримизни қалбга солганман», дея бонг урди. Шоирнинг 1925 йилда «Туйғулар», 1929 йилда «Кўнгил найлари» номли шеърий тўпламлари нашр қилинди. Ойбек 1925 — 1927 йиллар Ўрта Осиё Давлат университетида, 1927 йилдан бошлаб Ленинграддаги Плеханов номли халқ хўжалиги институтида таҳсил кўрди. У ана шу йилларда фалсафа, иқтисод ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштирди. Рус ва чет эл адибларининг асарлари билан танишди. Тинмай ўқиш, ўрганиш туфайли шоирнинг адабий маҳорати тобора ошиб борди. 1932 йилда нашр этилган «Машъала» номли шеърий тўпламидаги ҳар бир шеър бадиий баркамоллиги, таъсирчанлиги, давр учун долзарб бўлган масалага бағишланганлиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг шу йилларда ёзган «Дилбар — давр қизи», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Ўч», «Темирчи Жўра»каби поэмаларда шоирнинг камолот чўққиси томон дадил чиқаётганлиги кўзга ташланади.

Шу тариқа, 20-йилларнинг ўрталарида ўзбек адабиёти майдонига яна бир қўшиқчи келиб қўшилди. У Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Ғайратий ва Миртемир билан бир сафда туриб, ижод қилди.

Адибнинг турмуш ўртоғи, марҳум кимёгар олима, профессор Зарифа Саидносирова 1970 йил 5 ноябрда биз билан суҳбатда шундай хотирани баён этган эдилар:

«Техникумда бир гуруҳда ўқир эдик. Ҳар ойда «Тонг юлдузи» номли деворий рўзнома чиқар эди. Мусо акам муҳаррир, мен ёрдамчи эдим. Бизнинг илк шеърларимиз шу рўзнома-да эълон қилинган. Кейинчалик «Қизил Ўзбекистон», «Улуғ Туркистон», «Фарғона» рўзномаларида «Ер юзи» ойномасида бирин-кетин шеър ва мақолалари босила бошлади». 1940 йилда «Қутлуғ қон», 1944 йил «Навоий» романининг чоп этилиши ўзбек адабиёти довруғини жаҳон аро машҳур қилди. Айниқса, «Навоий» романи буюк шоир ва донишманд Алишер Навоийнинг юксак инсоний қиёфаси, XV аср ўзбек халқи ҳаёти ва кураши тарихий, бадиий ифода этилганлиги билан ҳам қадрлидир. Ёзувчининг «Қуёш қораймас», «Нур қидириб», «Олтин водийдан шабадалар», «Алишернинг ёшлиги» каби асарлари, «Бобом», «Қизлар», «Ҳамза», «Зафар ва Заҳро», «Даврим жароҳати» каби достонлари, юзлаб шеърлари, таржималари адабиётимиз хазинасидаги маънавий дуру гавҳарлардир.

Машҳур туркман ёзувчиси Берди Кербобоев адиб ҳақида фахр ила ёзади: «Мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмонидаги ой деб биламан. Ойбек яратган машҳур асарларнинг Ўзбекистон тупроғига алангали нур сочаётганлигини ким тан олмайди?» Ушбу нур эса, ҳамиша порлаб тураверади.

Неъматилла САЪДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Кулгига нима етсин

СОИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

ШУ

ПЕШОНАМДАН ЎПИБ ҚЎЙ

Бир қиз Сойиб Хўжаевнинг уйига келиб:

— Амаки, бир чимдим тузиздан беринг, — депти.

— Тузни нима қиласан, қизим? — депти С. Хўжаев.

— Кеча бир йигит: «Синглим, гапизни тузи йўқ экан», деди. «Бу тузни қаердан олишим мумкин?» десам «Сойиб Хўжаевдан топасиз», деди, шунга келдим, — депти қиз.

— Ундай бўлса, қизим, бу шўр пешонамдан ўпиб қўй. Гапинг тузлик бўлади, — деган экан.

УЛУҒ ИНСОНЛАР

Биз Сойиб Хўжаевнинг 85 йиллик юбилейини нишонлаш учун туғилган жойи Андижон вилояти Хонобод шаҳрига бир неча енгил машинада кетаётган эдик. Ўзбекистондан Тожикистонга ўтиш чегарасига келганда, тожик бирodarлар тўхтатишиб, синчиклаб текшира бошлашди. Тожикистонда ўзаро уруш авжига чиққан вақт. Сойиб Хўжаевнинг ўғли Шуҳрат Хўжаевнинг ҳужжатларини текшириб, «камерани ўтказмайсиз», — деди. Улар узоқ тортишишди. Кейин мен бориб:

— Биродар, ўзбекчани биласизми? — деб сўрадим чегарачи милиционердан.

— Биламан, Тошкент телевидениесида постда турганман. Лекин бу одамни кўрмаганман, — деди.

— Бу йигитни билмасангиз билиб олинг, Ўзбекистон халқ артисти қизиқчи Сойиб Хўжаевни эшитганмисиз? — деб сўрадим.

— Тошболтами, Парий, «Қуралай кўз, қуралай, — деди у.

— Ҳа, ўша.

— У кишини ҳамма билади. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Тожикистон ҳам билади. Нима бўпти? — деди.

— Яшанг, Шуҳрат Хўжаев. Сойиб Хўжаевнинг кинорежиссёр ўғли «Ўзбектелефильм»да ишлайди. Отасининг юбилейини суратга олгани кетяпти, — дедим.

— Эй, шунақами, ундай бўлса узр, ўтаверинглар, — деди соқчи. Биз ўтиб кетдик. Мен, улуғ инсонларнинг руҳи ҳам халқларни бирлаштирар экан, деб дилимдан ўтказдим.

Хайдар МУҲАММАД.

(Оҳири, боши ўтган сонларда).

Юрагим меҳри билан,
Пазанда сеҳри билан,
Қалаб ўчоққа олов,
Дамладим, дўстлар, палов.
Лаган тўла ош билан,
Ҳар гуруч — қуёш билан,
Интизордир дастурхон,
Марҳабо, бўлинг меҳмон!

Даврон АҲМАД
сурат-лавҳаси.

РУБОИЙЛАР

ЁНИБ ЯШАМОҚ ДАРКОР

Элим, юртим, халқим деб, ёниб яшамоқ даркор.
Азиз Ватан ишқига қониб яшамоқ даркор.
Дурри Адандек ноёб ҳикматлар қаторинда,
Дурдона хикмат айтмуш бизнинг Юртбоши саркор.

ИСТИҚЛОЛИНГНИ САҚЛА!

Озод бўлсанг, озод бўл, барака топ, азизим,
Эркин, шод бўлсанг, шод бўл, барака топ, азизим.
Мустақил бўлсанг агар, Истиқлолингни сақла!
Обод бўлсанг, обод бўл, барака топ, азизим.

ПЎЛАТ ҚЎРҒОН

Ҳур, Мустақил Ўзбекистон пўлат қўрғондир бу кун,
Тинчликсевар Она халқим марди майдондир бу кун.
Қаффол Шоший юртига қасд қилганлар паст, бўлғай!
Юртбошимиз Темур янглиғ Соҳибқирондир бу кун.

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА

Мубийн дини ислом эъзози бардавом тилимизда,
Қурьон тиловат овози субҳу шом тилимизда.
Илоҳий ҳикмат айтмушлар Темурдек Юртбошимиз:
«Оллоҳ бизнинг қалбимизда, оллоҳ пок дилимизда!».

АЁЛСИЗ

Шерсиз ўрмон бўлмағай, ўрмон бешер бўлмағай,
Ерсиз Осмон бўлмағай, Осмонсиз Ер бўлмағай,
Момо Ҳавосиз Одам қоларди бўлиб ожиз,
Эрсиз аёл бўлмағай, аёлсиз эр бўлмағай.

ЖОН БЕРИБ — ЖОН ОЛМАСАНГ...

Жон бериб — жон олмасанг, келмағай Истиқлол ҳам,
Қон бериб — қон олмасанг, келмас бахту иқбол ҳам.
Донишманд Юртбошимиз деганлар доно хикмат:
«Тарихий хотирасиз бўлмағай истиқбол ҳам!»

Ориф УСМОН.

ИБРАТНОМА

АҚЛ ва БОЙЛИК

Кунлардан бир кун Ақл билан Бойлик бирга бўлишиб, суҳбат қурдилар. Улар бир гўшани хилват қилиб, бир бировидан ҳол-аҳвол сўрадилар.

Улар ўртасида шундай қизғин суҳбат воқеъ бўлди. Бойлик сўз олиб, Ақлга қараб дер эди: «Менинг сендан кўра кўпроқ фазилатларим бор. Бир одамга назарим тушса, уни бир лаҳзада Қорундек бой қила оламан. Назаримга тушган одам хоҳ гадо бўлсин, дарбадар дарвеш бўлсин, хоҳ бировнинг эшигида ғулом бўлсин, мен унинг бошини фалак қадар кўтариб, тож кийдириб, уни бутун оламнинг божини йиғувчи қила оламан. Мен туфайли у молу мулк, бахту иқболга эга бўлади. Мавқеим сеникидан кучлироқ эканлигини билдингми?»

Бойликнинг бу баландпарвоз сўзларига жавобан Ақл оҳиста деди: «Аслида менинг ўрнимни Бойлик тўлдира олмайди. Бир лаҳзага инсон жисмидан ташқарига чиқсам, бутун олам ишлари бирдан издан чиқиб барбод бўлади. Ақл бўлмаса на давлатга, на тожу тахтда ва на бахту иқболда ҳеч бир маъно бўлмайди. Шоҳлар бошидан Ақл кетса, борлиқ вайронликка юз тутади. Жаҳоннинг ҳар ерида ақл соҳиби бўлмиш донишмандлардан илму ҳунар ўрганадилар. Ҳатто, пайғамбарларга ҳам раҳномалик қиламан. Инсонда Ақл бўлмаса, унинг учун бутун олам моли ҳам туфроқ билан тенгдир. Бирор девона жисмига кирсам, унга раҳномалик қилиб, ҳурмату эътиборга, молу дунёга сазовор қила оламан, чунки унга илму дониш бераман ва шу орқали дунё молига сазовор қиламан. Ишим фақат инсонларни юксакликка кўтаришдан иборат ва бундан ўзга мақсадим йўқ. Ишимни эзгулик ва яхшилик деб ишонадилар. Нурим кимнинг жисмига нақш бўлса, ул инсон барча илмлар сирини ўргана олади. Ақл бўлмаса сен ҳам, Ҳурмат ҳам, Мартаба ҳам бўлмайди. Ҳикматим сендан кўра кўпроқдир».

Ақлга жавобан Бойлик жанг бошлаб, деди: «Сўзларингдан уялсанг бўларди, гапларини очди. Деҳқон ўрнидан туриб хўкизларини ҳайдай бошлади ва омоч бир нарсага қадалди. Деҳқон бориб тошни кўтарди ва унинг тагида бир чоҳ кўринди. Чоҳ ичидаги Қоруннинг дафинаси каби улкан бойликка назари тушиб, деҳқоннинг ҳуши бошидан учди. У хазинадаги олтинларни юқорига чиқариб олди ва ҳеч бир ранжсиз кўп бойликка эга бўлди. Жуда шоду ҳуррам бўлиб, ўйинга туша бошлади. Бечора анча вақт рақс тушди, зеро хазина топганидан бахтиёр эди. Кўққисдан бу жойга бир карвон яқинлашди ва карвон аҳли ногаҳон бу ҳолни кўрдилар. Карвонбоши шу ерда дам олишга қарор қилди. Кимдир айтган эди: «Инсондан Ақл кетса, барча нарса вайронликка юз тутади». Карвон хазинага худди илондек чўзилиб, яқин келди. Лекин хазина тепасида доно эмас, балки беақл бир нодон турарди. Деҳқоннинг ёнига кўпни кўрган доно карвонбоши келди. Деҳқон карвонбошини кўриб, унга деди: «Эй карвонбоши, менга бир лутф кўрсатсангиз. Шоҳимизга мендан ҳадя сифатида ушбу олтинларни олиб борсангиз. Ва шоҳимизга айтингки: «Сизнинг қўл остингиздаги бир деҳқонингиз бу хазинани сизга юборди». Бу сўзларни эшитгач, карвонбоши тезда бир саррофни келтиришни буюрди. Хазинани карвонга юклаб, олиб кетдиларки, унинг ҳисоби йўқ эди. Карвон оҳиста, кечаю-кундуз йўл босиб, Хуросон томонга жўнади. Шундай қилиб, карвон пойтахтга етди ва карвонбоши шоҳ ҳузурига жўнади. Карвонбоши шаҳаншоҳ қабулига кириб, унга ҳамду сано айтиб, хазинани топширди. Таомил бўйича шоҳ карвонбошига навозишлар кўрсатиб, саруполар кийдирди. Шоҳ ўйладики: «Бу олтинларни карвонбоши келтирган. Шунда карвонбоши деди: «Эй шоҳи олам! Бу хазина меники эмас. Шоҳимизнинг қулларида бўлган бир деҳқон мен орқали салом йўллаб, бу хазинани бериб юборганди». Подшоҳнинг бир доно вазири бор эди. Ул вазир подшоҳга: «Қизингни ул деҳқонга берсанг, адолатли иш бўлур эди», — деди. Буни эшитиб подшоҳ вазирга деди: «Майли, сенинг айтганингча бўлсин». Шундай қилиб, ул деҳқонга кўплаб зарбоф кийимлар олиб бордилар ва унга: «Сени шоҳ ўзига куёв қилмоқчи. Энди сен бу дала-даштларни эсдан чиқар», — деб уқтирдилар.

Алқисса, тўю томоша билан шоҳ қизини деҳқонга никоҳладилар. Уларни бир гўзал боғдаги олий қасрга жойладилар. Хизматларида юзлаб хизматкорлар турар эди.

Деҳқон бошига давлат қуши қўниб, шоҳ қизига сазовор бўлди. Аммо, беақл деҳқон эрта билан уйқудан туриб нолий бошлади: «Эвоҳ, далага эккан буғдойимни жонворлар еб кетмоқда. Мен эсам, бедана каби бу қафасда ўтирибман». Шу хаёллар билан даст ўрнидан туриб, қаср девори тагига келди. Бироқ, қаср деворлари беҳад баландлигидан ўзини халос эта олмади.

Иш шу ерга етганда, Бойликка қараб Ақл деди: «Шу онгача барча ҳунарингни кўрсатдинг. Na ухладингу ва на бир ором олдинг».

Бойлик деди: «Тўғри, нима қўлимдан келса барини қилдим. Энди буёғига сен ҳам ўзингни бир синовдан ўтказ. Бу беақл бечорага бирор йўл кўрсат».

Ақл деҳқон қошига келгач, унинг боши нурдек чароғон бўлди. Энди деҳқон ўз-ўзига деди: «Менга нима бўлди ўзи? Шоҳнинг куёвию, шундай гўзал хотинга эга бўлсам... Хизматимда шунча ғулому канизаклар турса, ихтиёримда қанча лашкару давлат бор, мен эсам даладаги буғдойнинг ғамини чекиб ўтирибман-а, эй аҳмоқ, нодон».

Сўнгра у ўз қилмишидан таажжуб қилиб, қаср девори ёнидан ётоғига қайтди. Тўшагида эса, ойдек гўзал келин унга муштоқ эди. Унинг қора кўзларидан ва ширин лабларидан бўсалар олди. Улар бир-бирларининг оғушларига ғарқ бўлдилар.

Шундай қилиб, Ақлнинг иши Бойликникидан кўпроқ бўлди.

Демак, кимки Ақл эгаси бўлса, Ақлнинг Бойликдан яхшироқ эканлигини билур. Кимда ким Қорундек бой ёки Жамшид ва Фаридун шоҳлар каби давлатга эга бўлсаю, аммо Ақли бўлмаса, ундай давлатдан не фойда?! Фақат Ақл ила ҳар ким етар муродга! Кимки Бойликни Ақлдан юқори ва афзал деб ҳисобласа, у адашган бандадур. Инсоннинг Бойлиги бўлмай, ёлғиз Ақли бўлсада, ана шу Ақл уни жаннатга элтади. Чунки, Ақл эгаси барча ишларда шукроналик қилиб Оллоҳни ёдида тутади. Агар кимки Ақлдан бебаҳра бўлса, ундан Парвардигор ҳам қаҳрга келади. Шукроналик қилмаганлиги учун ғамга мубтало қилади.

Ушбу панду насиҳатга қулоқ тутиб, ҳаргиз фаромуш бўлмаслик лозим. Фақат шундагина бу оламда ҳаётинг шоду ҳуррам, охиратинг обод бўлур.

Форс тилидаги «Ганжинаи одоб»дан таржима қилиб, насрий баёнга солувчи:

Асадали ҲАКИМЖОНОВ.

ХОХ ИШОНМАНГ, ХОХ ИШОНМАНГ, ХОХ ИШОНМАНГ

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТДИ?

◆ ПАРИЖДА 2000-йилни кутиб олиш маркази деб Сена дарёси белгиланди. Шунинг учун барча тантанали маросимлар дарё билан боғланди: улар ёки Сенада ёки Сена қирғоқларида ёки бўлмаса сув устида ўтказилди. Лиссабон шаҳрида ҳам асосий тадбирларни сув олдида ўтказишни режалаштиргандилар. Маросимларда мусиқий томошалар, гуруҳлар чиқишлари ва мушакбозлик катта ўрин олди.

◆ ЯНГИ 2000-йилни биринчилар қаторида, албатта, Океания аҳолиси кутиб олди. Танга ороллари қироли Тауфахау Тупунинг қарорига мувофиқ, бугун тонг аҳолиси ўз соатларини ёзги вақтга ўтказдилар ва шундай қилиб Тинч океани ороллари аҳолисидан бир соатга ўзиб кетишди. Қиролнинг ўзи эса, барча фуқаролари билан 31 декабрь куни пальмазорлардаги пляжга чиқиб, янги йилни дўмбиралар садоси ва тунги қушларнинг қий-чувлари остида нишонлашди.

◆ БРИТАНИЯДАГИ Миллениум Доумда 2000-йилни кутиб олиш марказига айлантирган кўргазма мажмуида эса, «Минг йиллик маҳсулотлари» намойиш этилди. Улар орасида янги писсуралар, электромобиль, мукаммаллаштирилган дизайнли тиш тозалаш чўткаси ва албатта ногиронлар курсисига михланган одамларга сув чеккаларида учиш имконини берадиган ускуналар ўрин олди. Бу янги маҳсулотларнинг барчаси охирги беш ой ичида Буюк Британияда ишлаб чиқарилган.

◆ МИСРДА афсонавий француз модельери Пьер Карден бошчилигида янги лойиҳа тайёрланди. Гап шундаки, бир йил олдин Александрия археологлар қирғоқдан 150 метр узоқликда сув остидаги қадимий шаҳарни топишган эди. Ушбу шаҳарда эса, бир вақтлар Клеопатранинг саройи ва машҳур Александрия кутубхонаси жойлашган. Уммон остидаги саройни безаб турган сфинкс ва бинолар қолдиқлари ҳанузгача сақланиб турибди. Сув остидаги бу мўъжизакор биноларни тартибга келтириб саёҳатчилар зиёратгоҳига айлантириш мумкин эди. Миср ҳукумати маблағ ажратмагач, Пьер Карден ушбу масканни тиклаш учун 50 миллион доллар берибди. Биринчи саёҳатчилар эса, бу ерга 2000-йил арафасида ташриф буюради, деган эҳтимоллар бор эди... Лекин, ҳали бирон гап йўқ.

◆ БУЮК Британиянинг энг ёши улуғ байкери 99га кирди. У Бирмингемда истиқомат қилиб, охирги пайтларда икки ғилдиракли техникани таъмирлаш ва замонавий либослар яратиш устида иш олиб боради. Ёши улуғ мотоциклчини 3 фарзанди, 3 набираси ҳамда 5 чевараси бор. У 15та мотоцикл эгаси бўлиб, 5 ёшидан бошлаб турли хил кўрик-танловларда иштирок этади, 5000 мукофотни қўлга киритган Лено Валеанслоу исмли бу қария ҳукумат раҳбарлари ўз мотоциклига 2000-йилга кириб келишини, яъни қироличанинг ўзи иштирок этадиган Янги йил тантанали маросимида қатнашишини илтимос қилишди. Илтимос ошиғи билан бажарилди.

◆ ЯНГИ минг йилликнинг биринчи чақалоғи Янги Зеландияда туғилиши тахмин қилинганди. Унинг туғилиш жойи борасида ҳеч қандай баҳслар бўлмаслиги учун мамлакатнинг барча клиникаларидаги соатлар тўғрилаб олинган.

Апрель ойидаёқ 100 нафар эр-хотин мамлакатнинг энг зўр меҳмонхоналаридан бирида тайёргарлик кўра бошлашган. Бахтли чақалоқ шифокорлар ёрдамида эмас, балки Оллоҳ амр этган вақтда дунёга келиши керак. Начора, хушхабарларни кутамиз...

Жиноятга жазо муқаррар

ҚИНҒИР ЮРГАН БАРИБИР ҚОҚИЛАДИ

Вилоят Ички ишлар ходимлари жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, давлат ва фуқаролар манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат хавфсизлиги ва қонун устиворлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширишмоқда.

Ўтган давр мобайнида жиноят қидируви йўналиши бўйича оғир жиноятлардан қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, талончилик, автомобилларни ўғирлаш каби жиноятларнинг бирмунча камайишига эришилди. Жумладан, Ички ишлар ҳодимлари томонидан олиб борилаётган «Тун», «Қорадори», «Қалъа», «Арсенал» каби кўплаб шартли номдаги тадбирларда бир қатор жамиятимизга ёт бўлган жиноятлар фош этилаётир. Қуйида фош этилган айрим жиноятлар тафсилотларини шарҳлаб ўтмоқчимиз.

*ТОЖИКИСТОН фуқароси 31 ёшли Зарофат Раҳимова асли иш излаб Жиззах вилоятига келиб қолади ва ўзига ўхшаб, Андижондан келиб тирикчилик қилиб юрган Ҳабибулло Аҳмедов билан танишади. Ҳабибулло қонуний хотини ва болалари бўла туриб, Зарофат Раҳимова билан ноқонуний тарзда яшайди.

Ўртада фарзанд туғилгач, улар енгил ва мўмай пул топиш илинжида Пскент туманига келишади. Шу ерда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётган Қўйдинисо Қодиркулованинг ишончига кириб, унинг ўғли Комилникига тунаш учун жойлашадилар.

Улар уй эгасига «Титаник» видиофильмини қўйиб бераниз, дея қўшнисининг телевизори ва «Панасоник» русумли видеомагнитафонини келтиришади ва фурсат топиб бу буюмларни ўғирлаб кетадилар.

*ПСКЕНТ тумани ИИБ ходимларининг саъйи-харакатлари билан ҳар иккала товламачи қўлга олинди. Энди улар ўз қилмишлари ва одамлар ишончини поймол қилганликлари учун албатта жавоб берадилар.

*ИЛГАРИ содир этган жинояти учун ушланган Қибрай туманидаги Дўстлик қишлоғида яшовчи А. Тошпўлатов ва Тошкент шаҳар Янгилик кўчасида яшовчи С. Ҳожимухамедовлар билан ўтказилган тезкор тергов ҳаракатлари жараёнида аниқланишича, улар 1998 йил 5 октябрда Лафарга кўчасида жойлашган «Кардинал» кафесида Сайрам кўчасида яшовчи Н. Самирхонованинг оёғига бензин қуйиб, ёқиб юборишгани ва 100 АҚШ долларини олиб кетганликлари маълум бўлди. Н. Самирхоновага тиббий ёрдам кўрсатилган. Лекин, ўша вақтда ИИБда ариза тушмаганлигидан ажабланган ички ишлар ходимлари воқеа тафсилотларини атрофлича ўрганишмоқда.

*ҚИБРАЙ туманида ўтказилган тадбир натижасида «Ўймавут» очиқ турдаги жамиятга Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида яшовчи, 1975 йилда туғилган фуқаро Б.Умиров сохта ҳужжатлар кўрсатиб, мен «Молия вазирлигининг тафтишчисиман», дейди ва Қибрай қўрғонида яшовчи Р.Йўлбарсовдан 200 минг сўм пул талаб қилади. «Тафтишчи» сўраган пулини олаётганида, прокуратура ходимлари томонидан қўлга олинди.

*ЧИНОЗ тумани Улуғбек кўчасида яшовчи нафақахўр Х.Даминова эрталаб машинасининг жойида йўқлигидан хабар топгач, милицияга югурди.

Нафақахўр аёлнинг дилига қайғу солиб, унинг «Иж-Комби» русумли автомашинасини ўғирлаган кимсалар Эски Тошкент қўрғонидан экан. Машина ўғриларининг саргузаштлари билан танишаётган ички ишлар ходимлари уларнинг бошқа ўғриликларга алоқадорлиги тахминини ҳам текшириб кўришмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими,
милиция капитани.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 6-10 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Айрим худудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Кечалари ва эрталаблари туман тушиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрни ташкил этади. Ҳарорат кечалари 3-8, кундуз кунлари 12-17 даража илиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат пасаяди. Кечалари 4 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундуз кунлари эса 0-5 даража совуқ бўлиши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиштартиби: №8. Буюртма Г-0988. Ҳажми – 2табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205,ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6